Куч—адолатда

АДОЛАТ

Ўзбекистон «Адолат» СДП газетаси

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган ☼ 1998 йил, 25 декабрь, № 50 (193) ☼ Жума кунлари чиқади ☼ Сотувда эркин нархда

ЮРТБОШИ ЎГИТЛАРИ

- Ватан кўнглимизда бўлса, Аллоҳ ишимизга мададкор бўлгай!
- Элни Ватан манфаати бирлаштиради.
- Ватан ҳисси, Ватан туйғуси барча нарсадан қадрлироқдир.
- Бизни танлаган йўлимиздан ҳеч ким, ҳеч қачон қайтаролмайди.
- Бизнинг энг катта бойлигимиз – тикланиш, ислоҳотлар ва янгиланишлар йўлидан дадил бораётган оқкўнгил, меҳнаткаш, меҳмондўст ва мағрур халқимиздир.

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ЎН УЧИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ



Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси 24 декабрда Тошкентда иш бошлади.

Парламент сессияси ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этмоқда.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, Республика ташкилотларининг раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ва дипломатия корпуси вакиллари, республика ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари ҳозир бўлганлар.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э. Ҳалилов бошқармоқда.

Сессия иштирокчилари 114-Қорадарё сайлов округидан Олий Мажлис депутати И. Теннинг хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб эсга олдилар.

Олий Мажлис Республикасининг 1999 йилги давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида Молия вазири Р. Азимов маъруза қилди. Парламентнинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг раиси А. Аҳадов шу масала юзасидан қўшимча маъруза қилди.

1999 йилги давлат бюджети лойиҳасини муҳокама қилишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси А. Тожиев, Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси Ш. Норбоева, Самарқанд вилояти Жомбой тумани ҳокими К. Исроилов, Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг бош директори В. Сигедин, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби, Тошкент давлат биринчи тиббиёт институтининг ректори Т. Даминов, Республика тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчилар палатасининг раиси М. Собиров, Деҳқон ва фермер хўжаликлари Республика уюшмаси раиси А. Бобомирзаев иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сессия иштирокчилари ҳузурида сўзга чиқди. У келгуси йилги давлат бюджети лойиҳасининг мазмунини, бундан бўён иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини кўпайтириш, халқ турмуши даражасини ошириш, кам таъминланган оилалар ижтимоий муҳофазасини кучайтириш юзасидан қандай чора-тадбирлар кўзда тутилаётганини ҳар томонлама очиб берди. Президент солиқлар тизимини такомиллаштириш, бошқарув аппарати ва ички ишлар органларини сақлаб туришга харажатларни янада камайтириш, қуролли кучларни ислоҳ қилиш юзасидан кўзда тутилаётган чора-тадбирларга алоҳида тўхталди, бу тадбирлар бюджет маблағи анча тежалишини таъминлайди ва бу маблағ ишлаб чиқариш соҳасига ажратилади. Шунингдек, у бюджет ижроси устидан Парламент назоратини кучайтириш муҳимлигини таъкидлади.

Олий Мажлис Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилги давлат бюджетини тасдиқлади.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқий масалалари бўйича парламент қўмитаси раисининг ўринбосари Ф. Муҳитдинова депутатларга Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодекси лойиҳасини иккинчи ўқишда тақдим этди. Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани ҳокими Ш. Алланазаров, Урганч қурилиш коллежи директори И. Бойжонов, Тошкент вилояти Бўка тумани ҳокими Р. Обидов, Ўзбекистон халқ-демократик партияси Сурхондарё вилоят Кенгашининг биринчи котиби Ҳ. Эрматов нутқидан сўнг Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексини тасдиқлади.

Олий Мажлиснинг кечки йиғилиши Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисидаги қонун лойиҳасини кўриб чиқиш билан бошланди. Уни Олий Мажлиснинг Қурилиш ва уй-жой-коммунал хўжалик қўмитаси котиби Т. Усмонов депутатларга тақдим этди. Бу лойиҳани муҳокама қилишда Андижон шаҳри ҳокими А. Собиров, «Ўзкоммунмаштаъминот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори О. Мансуров, Толимаржон ГРЭСи қурилиш бошқармаси монтажчилари бригадири В. Южалкин иштирок этди. Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда маъқулланди.

Парламентнинг Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитасининг раиси А. Йўлдошев Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги қонун лойиҳаси тўғрисида маъруза қилди. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акционерлик компанияси Фарғона бўлимининг бошлиғи М. Мирҳамзаев, Хоразм вилояти Хонқа тумани ҳокими Қ. Ортиқов, Навоий шаҳри ҳокими Б. Ҳамдамов, Республика Бизнес-фонди бошқаруви раиси А. Юсупов шу ҳужжат юзасидан сессия минбарига чиқиб, ўз фикрларини айтдилар. Депутатлар қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқулладилар ва уни умумхалқ муҳокамасига қўйишга қарор қилдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н. Исмоиловнинг Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан давлат назорати тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақидаги маърузасини тинглади. Қонун лойиҳасини муҳокама қилишда Фарғона вилояти Тошлоқ тумани ҳокими С. Мирзаев, Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани ҳокими Ш. Исанов, Наманган вилояти ўсимликларни ҳимоя қилиш Мингбулоқ тумани инспекциясининг мудири К. Иззатиллаев иштирок этди. Депутатлар Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан давлат назорати тўғрисидаги қонунни қабул қилдилар.

Сессияда Парламентнинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг раиси А. Аҳадов Лизинг тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Бу қонун лойиҳасини муҳокама қилишда Навоий вилояти Томди тумани ҳокими А. Назаров, Фарғона вилоятидаги «Қувамебель» акционерлик жамияти бошқаруви раиси М. Исмоилов, Муборак газ конлари бошқармаси бошлиғи Н. Зайниев иштирок этди. Депутатлар Лизинг тўғрисидаги қонунни биринчи ўқишда маъқуллаш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Сўнгра Парламент Инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонун лойиҳасини кўриб чиқди. Депутатларга уни Олий Мажлиснинг Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитасининг раиси А. Йўлдошев тақдим этди. Шу қонун лойиҳаси юзасидан Фарғона вилояти Қува туманидаги Ш. Рашидов номидаги «Анор» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси М. Сайфитдинова сўзга чиқди. Олий Мажлис Инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонунни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси 25 декабрда ўз ишини давом эттиради.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

У.Ч. ХУДОЙҚУЛОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРОРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 9-банди ва «Ўзбекистон Республикаси прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддасига мувофиқ:

Усмон Чинозович Худойқулов Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил, 23 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Б. МУСТАФОЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРОРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Бўритош Мустафоев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 23 декабрь

Internet ДУНЁ: ЭНГ СЎНГГИ ЯНГИЛИКЛАР

- КЕЧА Москвада Ҳамдўстлик мамлакатлари Мудофаа вазирлари кенгашининг мажлиси бўлди. Унда Россия Федерацияси Мудофаа вазири Игорь Сергеев МДҲ мамлакатларини ҳарбий ҳамкорликни ривожлантиришнинг истиқболларига янгича нуқтаи назар билан қарашга даъват этди. Ҳарбий маҳкамаларнинг бошлиқлари шунингдек, Ҳамдўстлик ҳаво ҳужумига қарши бирлашган тизими билан боғлиқ бўлган масалаларни, хавфсизликнинг ахборот муаммоларини ҳам қараб чиқдилар.
- **Пекинда савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Хитой ҳукуматлараро комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириш, чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича тадбирлар кўриб чиқилди.**
- Исроил парламенти муддатидан илгари сайловлар ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу сайловлар келгуси йилнинг март-апрель ойларида ўтказилиши керак.
- **Муқаддас Рамазон ойи бошланиши муносабати билан Ингушетия Президенти Руслан Аушев республикада алкоголли маҳсулотларни чакана савдо қилишни вақтинча тўхтатиш ҳақида Фармон эълон қилди.**
- Остона шаҳрида Қозоғистон Бош вазири Нурлан Балгимбаевнинг Украина Ташқи ишлар вазири Борис Тарасюк билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда икки томонлама ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.
- **Ҳиндистонга ташриф билан борган Россия Федерацияси Бош вазири Евгений Примаков Москва-Пекин-Деҳли стратегик учбурчагини ташкил этишни таклиф қилди.**
- КЕЧА Россия Федерацияси Бош вазири Евгений Примаков Қозоғистон пойтахтига расмий ташриф билан келди.
- **Прагада ўтказилган аҳоли сўрови якунларига кўра кўпчилик прагаликлар Чехия Президенти Вацлав Гавел истеъфога чиқиши керак, деб ҳисобламоқдалар.**
- Германия ҳукмрон доиралари Американинг Кения ва Танзаниядаги элчихоналарини шу йилнинг август ойида портлатиб юборишда айбдор деб шубҳа остига олинган Судан фуқароси Мамду Маҳмуд Салимни АҚШга жўнатиб юборишди. Салим саудиялик миллионер Усама бин Ладеннинг молиявий ишларини бошқарган, деб тахмин қилишмоқда. Вашингтонда ҳисоблашларича, иккала портлашни ҳам ана шу террорчи уюштирган.
- **Литва парламенти ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги қонунни маъқуллади. Янги қонун мамлакатдаги олий жазо ўрнини умрбод қамоқ жазоси билан ўзгартиради.**
- Москвадаги ресторанлардан бирида араб рақси бўйича 1-халқаро танловнинг якунловчи босқичи бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистондан борган раққосалар ҳам иштирок этишди. Унда асли ўзбек бўлган москвалик Оксана Женид ғолиб чиқди. Оксана Ливияда ўтказиладиган халқаро танловга боради.
- **Американинг Хьюстон шаҳридаги госпиталда жаҳон тиббиёти тарихида биринчи марта нигерялик мухожир — 27 ёшли Нкем Чукву саккизта бола туғди. Уларнинг олти нафари қиз ва икки нафари ўғил. Шуни айтиш керакки, етти чақалоқ қизалоқни жарроҳлик йўли билан туғдириб олишгандан сўнг, орадан икки ҳафта ўтгач, дунёга келишди. Чақалоқларнинг вазни 311 граммдан 708 граммгача келади. Уларнинг аҳволи оғир деб баҳоланмоқда.**

Тиббиёт ва ислоҳот

ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

Бу билан тиббиёт тизимини ислоҳ қилиш янги босқичга кўтарилди

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг катта саъй-ҳаракатлари билан кейинги пайтларда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш давлат даражасидаги энг муҳим ишга айланиб бормоқда. Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги Фармони ҳамда тиббиёт тизими фаоллари билан ўтказган махсус йиғилиши ва унда кўтарилган муаммолар, мулоҳот ва мунозаралар бунинг ёрқин далилидир.

Албатта тиббиёт тизимини ислоҳ қилиш ғоясининг илгари сурилиши ҳаётий эҳтиёжлардан келиб чиққанлиги ҳеч кимга сир эмас. Ҳақиқатан ҳам соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга шароит туғдириб берадиган омиллар ва сабаблар пишиб етилган эди. Бу ҳақда мамлакатимиз Президенти тиббиёт ходимлари билан бўлган учрашув чоғида жуда қуйиниб гапирдилар.

Дарҳақиқат, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг бугунги аҳволи аксарият фуқаролар қатори, биз, тиббиёт ходимларини ҳам ташвишлантиради. Очиғини айтганда, ҳамма айбни дори-дармон етишмаслиги, тиббий жиҳозларнинг эскилигига йўйиш ҳам унчалик инсофдан эмас. Тиббий хизмат кўрсатишда аввало врачнинг савияси, илм ва малакаси, қолаверса, унинг беморга бўлган муносабати асосий, ҳал қилувчи аҳамиятни касб этади. Шифохона ҳозирги замон асбоб-ускуналари билан қанчалик тўла-тўкис жиҳозланмасин, дори-дармонлар қанчалик етарли бўлмасин, беморнинг дардига даво бағишлаш, уни согайтириш барибир шифокорнинг касбий малакасига боғлиқ бўлиб қолаверади. Бемор ҳамма врачларга мутахассис сифатида бир хил ишонч билан мурожаат қилиши мумкин бўлгандагина аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг аҳволи тубдан ўнгланган бўларди. Бунинг учун тиббиёт соҳасида ишловчи барча мутахассислар ўта юқори малакага эга бўлишлари керак.

МДҲ мамлакатлари ичида Ўзбекистон Республикаси шифокорларининг илмий-амалий тиббиётда эришган ютуқлари анча салмоқли эканлигига қарамасдан, мамлакатимиз аҳолисига тиббий хизмат кўрсатишнинг бугунги аҳволи ўзгармаяпти. Нега шундай? Бунинг асосий сабаблари, менингча қуйидагилардан иборат: тиббиёт масканлари тегишли дори-дармонлар билан тўла таъминланмаган; тиббий асбоб-ускуна, жиҳозларнинг аксарияти ўз хизмат муддатини ўтаб бўлган, тиббиёт ходимларининг касб маҳорати дом ҳам тегишли даражада эмас, юқори малакали тиббиёт ходимлари ҳамда профессор-олимларнинг аксарияти асосан тиббиёт ўқув юртларида фаолият кўрсатмоқдалар. Аҳолининг асосий қисми эса қишлоқ жойларида истиқомат қилишини ҳисобга олсак, у ерлардаги касалхоналар на жиҳозлар, на дори-дармонлар билан таъминланаяпти. Қолаверса, қишлоқ шароитида фаолият кўрсатаётган шифокорларнинг малакаси ҳар доим ҳам аҳолига тўлақонли, юқори малакали, ихтисослашган тиббий хизмат кўрсатиш имкониятини яратавермайди.

Аввалларидан, тиббиётни замонавий адабиётлар билан таъминлаш бир қадар йўлга қўйилган эди. Тиббиётнинг кундалик ҳаётида содир бўлаётган янгиликлардан, қолаверса, дунёнинг турли бурчакларидаги соҳага тааллуқли долзарб муаммолардан хабардор бўлиб турардик. Эндиликда-чи? Бу иш ҳозирга қадар йўлга қўйилгани йўқ. Ваҳоланки, тиббиёт фани доимий ҳаракатдаги, изланишдаги фан. Мазкур соҳа қилинаётган илмий ишлардан, муваффақият ёки мағлубиятлардан хабардор бўлиб боришликни тақозо этади.

Бугунги кунда соғлиқни сақлаш муассасаларининг фаолияти уларга мурожаат қилаётган аксарият юртдошларимизда норозилик уйғотаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Хўш нега шундай? Бунинг сабаблари аввалдан, касб малакаси юқори бўлган тажрибали шифокорлар сонининг кескин камайиб кетганлигидадир. Айрим илмли, ўз касбининг моҳир устаси бўлган шифокорлар оилани боқиш учун ишдан бўшаб, тижорат билан шуғулланиб кетишмоқда. Ҳеч кимга сир эмас, аҳоли ўртасида: «дўхтирлар ойликка яшармиди, уларни касаллар боқади-да», деган гаплар юради. Бироқ, шуни айтиш керакки, илмли, тажрибаси зўр, қолаверса, ўзини ҳақиқий шифокор ҳисобланган, ўз касбини ҳурмат қилган ва севган, маънавияти ва касб-маҳорати юқори бўлган чинакам шифокор ҳеч қачон беморнинг қўлига қарамайди, ўз вазифасини чин дилдан бажаради. Мутахассиснинг илми ва маънавияти қанчалик юзаки бўлса, у шунчалик нопок, таъмагир ва юлғич бўлади. Минг афсуски, ҳозирги кунда тиббиёт соҳасида ҳам бундайлар оз эмас.

Фуқаролар саломатлигини муҳофаза қилишда шифокорнинг бемор олдидаги масъулияти беқиёс каттадир. Ҳозирги кунда «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинганлигига қарамасдан шифокор томонидан айрим жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйилган тақдирда (хатто ушбу хато ва камчилик бемор учун жуда қимматга тушганда) ҳам мазкур Қонун (46-модда)га биноан уни қонуний жавобгарликка тортиш ҳали кўнгилдагидек йўлга қўйилмаган. Тиббиёт амалиётида кўпинча бундай шифокорларга жазо тариқасида маъмурият томонидан ҳайфсан эълон қилинади ёки шундай врачни стационар (касалхона) шароитидан вақтинчалик поликлиникага кўчиришади, жуда бўлмаса вақтинчалик (2, 3, 4 ойга) ўз касбидан четлатишади.

Энди бир ўйлаб кўринг: бемор олдида масъулият сезмаган ва оғир асоратлар келиб чиқишига сабабчи бўлган шифокорга ҳайфсан таъсир этадими ёки стационардан поликлиникага ишга ўтса касб малакаси ошиб қоладими? Ёки бўлмаса поликлиникада саводсиз врачлар ишласа ҳам бўлаверадими? Тажрибасиз ва масъулиятсиз бундай шифокорнинг 3-4 ойга ўз касбидан четлаштирилиши унинг келажакда ўз касбининг устаси бўлиши ҳам, иши ижобий томонга ўзгаришига ҳам ёрдам беролмайди. Оддий қилиб айтганда, ҳали врачларнинг ўзи ҳам, тиббиёт тизими ташкилотларидаги раҳбарлар ҳам «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Қонунга тўлақонли амал қилишмаяпти. Қайси соҳани олмайлик, унда давлат қонуни устуворлиги таъминламас экан, натижа кутилгандек бўлмайди.

Азал-азалдан маълумки, саломатлик бемор ва шифокорнинг ўзаро муносабати натижасида тикланади. Бу жараён иккала томонга ҳам ўз талабларини қўяди. Аммо ҳар доим ҳам ана шу талаблар кўнгилдагидек қондирилавермайди. Энг аввало, шуни таъкидлаш лозимки, шифокорлар қанчалик ўринмасин, агар беморнинг ўзи ўз саломатлигини тиклаш учун қайғурмаса, бундай беморнинг тузалиши осон кечмайди. Узоққа бормасдан, оддий бир мисолни олайлик. Беморга: «Сизга спиртли ичимликлар ичиш ҳам, сигарета чекиш ҳам мумкин эмас», дейлишига қарамасдан уларнинг кўпчилиги ўз билганларидан қолишмайди. Инсон ўз саломатлиги устида ўзи қайғурмас экан, ҳеч қачон у ҳар томонлама соғлом бўла олмайди. Қолаверса, соғ-саломат бўлиш баркамолликнинг, маданиятнинг, етук маънавиятнинг кўрсаткичидир.

Тараққий этган мамлакатларда фуқароларнинг тиббий суғуртаси кафолатланган. Улар ўз саломатликларини муҳофаза қилиш учун мунтазам равишда суғурта пули тўлаб борадилар. Бу уларга фақат касалликка дучор бўлгандагина эмас, балки маълум вақт оралигида ҳам ўз хоҳишлари билан тиббий муассасаларга мурожаат қилиб, ўз соғлиқларини ҳар томонлама текширтириб туриш, профилактик тиббий кўрикдан ўтиш имконини беради. Бунда фуқаролар нафақат шифокор кўрсатмаларига мукаммал амал қилади, балки ўз вазнлари, қуриш ва эшитиш қобилиятлари, руҳий ҳолатлари ва ҳоказоларини ҳам назорат қилиб боришади. Бизнинг фуқаролар эса, асосан, касалликка чалингандан сўнг, шунда ҳам кўпинча ўзи ўйда билар-билмас турли хил усул (дори-дармон)лар билан даволаниб, сўнг тузалишга кўзи етмагандагина шифокорга мурожаат қилишади. Тиббий кўрикни ташкиллаштириш ҳам амримаҳол, фуқароларни бунга жалб қилиш ҳам. Кўпчилик аҳоли тиббий кўрикка мажбур қилмасангиз келмайди. Ёки ҳомиладор аёлни олайлик, ўзи камқон, бунинг устига болалари кўп, уй-рўзғор ташвиши бошидан ортиб ётибди. Қанчалик тушунтирманг, айрим аёллар ҳар йили, кетма-кет ҳомиладор бўлади, ҳам қийналади, ҳам касал (камқон ёки ногирон) бола туғади. Шифокорларни ҳам қийин аҳволда қолдиради, ўзини (оиласи ва болаларини) ҳам. Ана шунақа аёлга сизга туғиш мумкин эмас, ҳеч бўлмаганда туғиш оралиғини уч йилга етказиб, кейин туғишингиз мумкин, ўшанда организмингиз ҳам, туғиладиган бола ҳам соғлом бўлади, десангиз унга ёқмайсиз. Ёки у хўп дея туриб ўз билганидан қолмайди. Бунақада миллатимиз генофондини соғломлаштириш мушкул, албатта.

Ўзбек халқи жуда бой маънавият ва маданиятга эга. Кейинги йилларда маънавиятни юксалтиришга эътибор ортиб бораётган бўлса-да, миллат генофондига путур етказадиган айрим салбий омиллар ҳам кўпайиб бормоқда. Ваҳоланки, мустақил республикамизнинг келажаги порлоқ, жамиятимиз турмуши фаровон бўлиши учун ёш авлод — келажак эгалари жисмонан етук ва баркамол бўлиб ўсишлари керак. Биз бунинг учун ҳар томонлама ҳаракат қилишимиз, соғлом авлод учун курашишимиз, аввалламбор, ана шу авлодни дунёга келтирадиган ва парваришлайдиган оналар ҳақида ғамхўрлик қилишимиз даркор. Бўни оналарнинг ўзлари ҳам тушуниб етиши, ҳар томонлама соғлом бўлишга интилиши керак.

Бу борада ҳукуматимиз томонидан тинмай ғамхўрлик қилинмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг аҳолининг, айниқса оналар ва болаларнинг ижтимоий муҳофазасига бағишланган қатор қарорлари қабул қилинаётганлиги фикримизнинг далилидир. Бундан ташқари, жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари ва соғлиқни сақлаш тизими ходимлари ҳамкорлигида бу борада кенг тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Мустақил давлатнинг пойдевори қанчалик мустаҳкам бўлса, унинг келажаги ҳам шунчалик порлоқ бўлади. Мустақиллик юртимиз аволдининг бақувват, соғлом фикрли, ақл-идроки бўлишини, кучли ва қудратли мудофаани, улкан илмий салоҳият ва юксак халқаро нуфузни талаб этади. Президентимиз айтганларидек, Ўзбекистоннинг келажаги буюк, ана шу буюкликни рўёбга чиқариш эса фақат ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлоднингина қўлидан келади.

Зуҳра БОТИРОВА,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибиятининг етакчи мутахассиси, тиббиёт фанлари доктори.

Партия ахбороти

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси арафасида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Олий Мажлисдаги депутатлар фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда парламентимизнинг шу сессияси кун тартибига киритилган масалалар бўйича фракция раиси, партия Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби Турғунпўлат Даминов сўзга чиқди. Депутатлар ҳам мазкур масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Партия фракциясининг йиғилишида иштирок этган республика Молия вазири Рустам Азимовнинг бўлажак сессия кун тартибига киритилган Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилги Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисидаги ахбороти тингланди. Шунингдек, йиғилишда Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси Абдурафиқ Аҳадов ҳам сессия муҳокамасидаги бу муҳим масалалар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Мажлис иштирокчилари сессия кун тартибига киритилган масалаларни кўриб чиқиб, улар хусусида атрофлича фикр алмашдилар. Партия фракцияси аъзолари навбатдаги сессияда кўриладиган масалалар мамлакатимиз ҳаётида муҳим аҳамият касб этишини алоҳида қайд этишиб, уларнинг муҳокамасида фаол қатнашиш хусусида фикрлашиб олдилар.

Фракция йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Акмал Қосимов иштирок этди.

Ўз мухбиримиз.

Насиб этса, ўзбек элим бой айлар мулкдор,
Келажакни ҳар нигоҳга Ой айлар мулкдор.

Ўзбекистон — беназир юрт, кўз тиккай дунё,
Ғанимларнинг бўй-бастини ёй айлар мулкдор.

Бунёдкорлик ҳар лаҳзаси — барака-қутдир —
Қозонни ҳам, чўмични ҳам мой айлар мулкдор.

Асакани дунё билгай — боқ, «ТИКО», «ДАМАС», «НЕКСИЯ»ни гижинглаган той айлар мулкдор.

Янги йилнинг дастурхони — очиқ, файзиёб —
Эзгуликни ҳар юракка жой айлар мулкдор!..

Абдулла ТУРДИЕВ.

Қонун барчага баробар

КИМКИ ЖАФО ҚИЛСА...

Ҳар ким қилмишига яраша жазосини олади, дейди Ўрта Чирчиқ тумани прокурори Ҳикматилла НАЗАРМЕТОВ

Бугун ҳаёт ўзгармоқда. Шунга монанд шу муқаддас тупроққа, шу азиз ватанга фидойилик ҳиссини ошириш ҳар биримизнинг олийжаноб мақсадимизга айланиб бораяпти. Демакки, истиқболи порлоқ, келажаги буюк Ўзбекистонимизни янада гуллаб яшнатиш, элларарo довруғини таратиш ҳисси ҳеч биримизни бефарқ қолдираётгани йўқ. Бу албатта мустақиллигимизнинг беқиёс шарофати, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш борасида кўрилаётган амалий чораларнинг маҳсулидир. Зеро, одамлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини қанчалик тўғри англасалар ривожланиш ва тараққиёт ҳам шунчалик жадаллашади. Яъни, қонун бузилдими унинг олдида барча баробар. Ҳар ким қилмишига яраша жавоб бериши керак. Хўш, бу борада қонун посбонлари қандай ишларни амалга оширмоқдалар. Ҳар бир жиноят ўзининг муқаррар жазосини топаяптими? Ўрта Чирчиқ тумани прокурори Ҳикматилла НАЗАРМЕТОВ билан шу каби муҳим ҳаётий масалалар хусусида суҳбатлашдик.

— Ҳикматилла ака, мана яқинда халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унгача Самарқанд ва Навоий вилоятларида бундай тадбирлар ўтказилган эди. Табиийки, уларда бугунги куннинг энг етилган масалалари ўртага ташланди. Муаммо ва камчиликлар аёвсиз кўрсатиб ўтилди...

— Дарҳақиқат, бу сессиялар ҳар кимнинг ўз ишидан яна бир бор жиддий хулоса чиқариб олишида сабоқ бўлди. Давлатимиз раҳбарининг бу вилоятлардаги аҳволни чуқур таҳлил қилиб, йўл қўйилаётган камчиликларни рўйи рост, кескин очиб ташлаши давлатимизнинг демократик йўналишидаги энг катта ютуқларидан бирига айланди. Қолаверса, бугунги кунда амалдаги қонунларни менсимаслик, юртдаги ўзгаришларни сезиб, шунга яраша меҳнат қилмаслик ёки яшамаслик мумкин эмас. Баъзи бир хом сут эмган бандалар: «Э, менинг бу қилаётган ишимни биров кўриб ўтирибдими, ёки қаёқдан билади» деб ўйлайдилар. Афсуски, ҳозир замон ўзгарган. Эл кимнинг қандай турмуш кечираётганию, кимнинг қандай қадам босаётганини кўриб-билиб туради. Андишали халқлигимиз, бетгачопарликка ўрганмаганлигимиз, истиҳолага берилишимиз шундай қарашни келтириб чиқарган бўлса ажаб эмас. Лекин бундан баъзи бир раҳбарлар эл-нинг ҳеч нарсадан хабари йўқ деган хулосани чиқармасликлари керак.

Самарқанддаги воқеалар тафсилоти билан танишар экансиз қилинган қинғир ишлар қонунни менсимасликдан, ўзига ортиқча баҳо бериб юборганликдан келиб чиққанлигига асло шубҳа қилмайсиз. Ахир қонунни тушунган-қўйган раҳбарларнинг ўзи бузиб турса бу инсофсизлик эмасми? Қонунни аввало раҳбарлар бузишни бошлаб юборсалар, оддий халқни сўнг нимага ишонтириб бўлади. Мана кўрдингизми керак бўлса қонунга риоя қилиш сиёсатни ҳам белгилайди. Шу боисдан ҳам юртбошимиз кейинги пайтларда «Айниқса, раҳбар адолати, элу юртга етакчилик қилишдек оғир масъулиятни бўйнига олган одамнинг адолати бугунги кунда беқиёс аҳамиятга эга. Аввалари ҳам кўп бор айтган фикримни такрорламоқчиман: халқ очликка, йўқчиликка, ҳамма нарсага чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайди», деган пурмаъно ҳикматни кўп бор эътироф этмоқдалар. Шу нуқтаи назардан қараганда, давлат хизматчиси тўғрисидаги қонунни тезроқ ишлаб чиқиш ва амалга тадбиқ этиш вақти ҳам етиб келганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

— Аммо қонун посбонларининг ўзи қонунсизликка йўл қўйишса-чи?

— Аччиқ, аммо очиқ гап. Гап шундаки, қайси инсон дилида шахсий манфаат илдиз отса, назаримда мансаб ёки хизмат кучидан шу йўлда фойдаланиб қолишга интилади. Бир интилади, икки интилади, қарабсизки, кейинчалик бу унинг учун одатдаги ҳолда айланади. Қонун ҳимоячисининг қонунни бузиши кечирилмас ҳолдир. Оддий фуқароларимизнинг баъзан ўз ҳақ-ҳуқуқларини тўлиқ билмасликлари ҳам ҳуқуқ-тартибот идораларидаги баъзи бир кимсаларнинг «ҳаддидан ошиши»га сабаб бўлади. Демак, бу муаммодан яна бир муҳим ҳаётий масала ҳам келиб чиқади. Биз ҳуқуқ-тартиботни кенг йўлга қўйишимиз керак. Қонунлар шарҳи, давлат асослари аҳоли ўртасида кенг тушунтирилиши жоиз. Афсуски бу йўлда туманимизда олиб борилаётган ишлардан ҳар доим ҳам қониқаётганимиз йўқ. Яъни, бу фақат прокуратуранинг ёки милициянинг иши деб ким ўйласа янглишади.

— Жиноятнинг катта-кичиги бўлмайди. Уни содир этганлар муқаррар тегишли жазоларини оладилар демоқчисиз-да?

— Албатта, қонун олдида ҳамма жавобгар. Бироқ буни ҳамма ҳам тушуниб етавермайди. Оқибатда қонун бузилади. Мудҳиш жиноят содир этилади. Туманимизда шу йилнинг ўтган ўн ойида содир этилган баъзи бир жиноятларнинг ўтган йилдагига нисбатан бироз кўпайгани кўзга ташланди. Содир этилган жиноятларнинг 13 таси эса очилмай қолди. Шундан 9 таси ўғирлик билан боғлиқ эди. Ахир нарсасини ўғирлатган жабрланувчилар қонунга ишонишлари учун биз ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари уларнинг ҳақли саволларига жавоб топиб беришимиз керакми? Керак албатта. Бунинг учун жиноятнинг олдини олиш ҳамманинг умум ишига айланиши зарур. Шу билан бирга бу масалада ички ишлар ходимлари фаоллик кўрсатиши керак.

Тўғри, бизга қишлоқ хўжалик ишлари ҳам керак, бошқа тадбирлар ҳам зарур. Лекин асосий вазифамиз эл осойишталигини таъминлашдан иборат. Шундай экан бу ишга ҳамма бирдек бош қўшиши лозим. Айниқса, маҳаллаларда, фуқаролар йиғинларида ҳуқуқий билимларни тарғиб қилмай, ҳуқуқий онгни ривожлантирмай маънавиятни тўла шакллантиришга эришиш оғир. Фактларга эътибор беринг. Олдин судланганлардан 67 киши ўн ой ичида яна жиноятга қўл урган. Бу ўтган йилнинг ўн ойига нисбатан 24 та кўп, демакдир. Ёки гуруҳ бўлиб жиноятни содир этиш 14 тага ошган бўлса, 36 киши маст ҳолда жиноятга қўл урган. Қани бу ерда маҳалла, унинг оқсоқоли, қани хотин-қизлар қўмитаси? Қани «Камолот» жамғармасининг туман бўлими? Бошқа жамоат ташкилотлари-чи? Аччиқ бўлса ҳам уларнинг иши қониқарсиз эканлигини айтиб ўтишга тўғри келади.

— Шу йилнинг ўтган ўн ойи ичида қилинган ишлар хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз?

— Шу даврда назорат ишларининг сифати бирмунча яхшиланди. Шу билан бирга уларнинг сони ошди. Жумладан, 47 маротаба текшириш ўтказилиб, 68 нафар шахсга нисбатан интизомий чора, 108 нафар шахсга маъмурий, 56 нафар шахсга нисбатан эса моддий чоралар белгиланди. 14 иш бўйича жиноий иш қўзғатилди. Бу албатта назоратнинг кенг қамровлилигидан далолат беради. Масалан, давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган ер солиғидан жами 140785 сўм камайтириб қўйилганлиги учун Тошкент сув омборининг бош ҳисобчиси Дилбар Сайдаҳ-ованинг устидан жиноий иш қўзғатилди. Шунингдек, туман ветеринария бош врачи Абдумажид Абдураимовнинг устидан молиявий хўжалик фаолиятининг бузганлиги ҳамда бюджетдан ажратилган маблағларнинг 50352 сўмини нотўғри ҳаракат қилиб, камомад келтириб чиқарганлиги учун жиноий иш қўзғатилиб, судга оширилди. Узганинг 20616 сўмини ғазнадан олиб ўзлаштиргани учун «Хуршида» хусусий корхонаси раҳбари Абдураҳмон Исоқов ва «Бизнесфонд»дан 3 миллион сўмни ўзлаштирган «Мойилбек» хусусий корхонасининг раҳбари Ҳамид Пипинов устидан ҳам жиноий иш қўзғатилди. «Тўйтепа» деҳқон бозори паттачилари Эргаш Норбоев ва Турғунбой Бозорбоевлар паттадан тушган пулларни ўзлаштиришгача етиб борганликлари учун одил суд олдида тегишли жазоларини олдилар. Савол туғилади: шундай жиноятга қўл урганлар нахотки охири вой бўлишини билишмаган бўлишса?!. Билишган, фақат бир кун бўлмаса бир кун қонун олдида жавоб беришларини ўйлашмаган. Ваҳоланки, оқибатини ўйлмасдан қилинган ҳар бир ишнинг охири «вой» бўлади. Кейинги пушаймондан эса асло фойда йўқ.

— Яъни...

— Юртбошимиз айтганларидек, «Қонун олдида ҳар қандай мансабдаги раҳбар ҳам, оддий фуқаро ҳам тенгдир. Бунга амалда эришиш учун аҳолининг барча қатламлари, айниқса ёшлар ўртасида ҳуқуқий билим, ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни ўстиришга алоҳида эътибор қилишимиз керак». Бу ҳаммамизнинг фаолият мезонимизга айланиши зарур. Ана шундагина юртимиз тинч ва обод, элимиз фаровон бўлади.

Рустам ДОСТОН суҳбатлашди.

ҲАМЖИҲАТЛИК ҚЎРҒОНИ МУСТАҲКАМ БЎЛСИН

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, юртимизда бўй кўрсатаётган оламшумул ўзгаришлардан воқиф бўляпмиз. Айниқса, Ватан ичра ватан ҳисобланган маҳаллалар фаолиятига бўлган эътибор кундан кунга ортиб бораётгани бунинг ёрқин далилидир.

«Маҳалла» хайрия жамғармасининг ташкил этилиши, «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун ва бу борадаги қатор Фармон ва қарорларнинг қабул қилиниши мамлакат ички сиёсатида муҳим, айни пайтда долзарб масалаларни ҳал этишда қўл келмоқда. Республикамиз Президентининг маҳаллалар фаолиятига кўпроқ эътибор бераётгани, унинг нуфузини янада ошириш зарурлигини қайта-қайта такрорлаётгани ҳам бежиз эмас, албатта.

Республикамиз бўйича ўн икки мингдан зиёд маҳалла фуқаролар йиғини рўйхатга олинган. Ҳар бир маҳаллада биттадан жиноят содир бўлган тақдирда 12 мингта кўнгилхиралик юз бериши мумкин. Демак, маҳаллаларда қанчалик осойишталик ҳукмрон бўлса, бутун республикамиз тинчлиги таъминланади. Шунинг учун ҳам машойихлар «Маҳалланг тинч — сен тинч» дейдилар. Шу боис маҳаллаларда амалдаги қонунларга кўра оқсоқолларни сайлаш кафолати халқ ихтиёрига берилган. Яъни, маҳалланинг пасту баландидан хабардор, кўпни кўпган, ҳар бир ишга адолат нуқтаи назаридан ёндошадиган, оқсоқол деган шарафли номга муносиб бўлган комил инсонларгина раис (оқсоқол)ликка сайланишлари керак. Табиийки, бундай оқсоқоллар бошқараётган маҳаллаларда ҳуқуқбузарлик ҳолатлари деярли учрамайди.

Яна шуни алоҳида айтиб ўтиш жоизки, номзоди маҳалла оқсоқоли томонидан тавсия этилаётган ёки сайланаётган маслаҳатчилар таниш-билишлардангина иборат бўлмай, кўпроқ эл эътиборига тушган, тадбиркор, феъли кенг, ўзгаларга ижобий хислатлари билан намуна бўла оладиган шахслардан сайланса, айрим низолар, майда безориликлар, қўйди-чиқдилар нисбатан камайган бўлади.

Афсуски, кейинги пайтда маҳаллага ёрдам сўраб мурожаат қилаётганлар орасида ўзини ўзи таъминлашга қодир бўлган, тоғни урса талқон қиладиган оила бошлиқлари ҳам учраб туради. Бундан ташқари, шундай оилалар учрайдики, «эрим Россияга ёки бошқа ёқларга қочиб кетган, алимент олмайман, ҳеч қаерда ишламайман» каби важларни рўкач қилиб, уввос соладилар. Биз яшайдиган кўп қаватли уйлардан иборат «Дўстлик» маҳалласида истиқомат қилаётган айрим болали аёллар «эрсиз» туққан болаларини ўзларининг фамилияларига расмийлаштириб олишган, «ёлғиз она»лар рўйхатига киришган. Яна шундай оилаларга дуч келинадики, бир аёлнинг уч нафар фарзанди бўлиб, учаласи ҳам учта фамилияда. Бироқ учта эрдан биттасининг ҳам тайини йўқ. Е тавба! Ҳайратдан ёқа ушлайсан, киши. Бундан ташқари моддий ёрдам сўраб мурожаат қилаётганлар орасида бир жойда ёлчитиб ишламаётган, айрим ишёқмас оила бошлиқлари ҳам учрайди. Уларга нафақа бериш масаласини ўйлаб кўриш керак!

Маҳалла фаоллари қайси оила нимага қодирлигини, қаерда нима иш қилишини, муҳтожлик даражаси не чоғлилигини яхши билишлари зарур.

Ҳар бир маҳалланинг ҳисоб рақами, муҳри бор. Бироқ баъзиларининг ҳисобида ҳеч қандай маблағ йўқ. Ҳайр-эҳсон қилувчи ташкилотлар ҳадеганда топиладавермайди. Топилганда ҳам улардан фойдаланиш қоидаларини билмайдилар.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг IV банди 15-моддасида: «Ўзини ўзи бошқариш органларининг молиявий ресурслари халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан ажратиладиган бюджет маблағларидан, фуқаролар ва меҳнат жамоаларининг ихтиёрий хайр-эҳсонларидан, ҳайрия жамғармалари ажратиб берадиган маблағлардан ташкил топади.

Ўзини ўзи бошқариш органларининг молиявий маблағлари банкдаги мустақил ҳисоб рақамларида сақланади, улар томонидан мустақил тасарруф этилади ва олиб қўйилиши мумкин эмас», дейилган.

Кўпгина оқсоқолларимиз бундай оддий тартибнинг мавжудлигидан бехабарлигича қолишмоқда. Билганлари эса бунга тўла амал қилишмаяпти. Оқибатда ҳафсаласизлик, ишнинг кўзини билмаслик лоқайдлик иллатини келтириб чиқармоқда. Ўзибўларчиликка йўл очиб бераяпти.

Ваҳоланки, айни пайтда ҳар бир маҳалланинг ўнта ҳисоб рақами мавжуд. Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериш ва ўн олти ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа тайинлаш учун махсус ҳисоб рақамлари очилган. Бундан ташқари ҳар бир маҳалла ўзининг ҳисоб рақамига эга. Шундай экан, ҳар бир маҳаллага битта ҳисобчи зарур, деб ўйлаймиз. Маҳаллаларга қоғоз, қалам, ручка, иш папкалари ва бошқа шунга ўхшаш нарсалар ўз вақтида мунтазам етказиб турилиши лозимки, бўларсиз иш битмайди. Яшаш жойидан маълумотнома, тавсифнома, ариза билан мурожаат қилган ҳар бир оилани рўйхатга олиш, текширув далолатномалари тўлдириш каби барча ишлар маҳаллада амалга оширилади. Бунинг учун маҳалла оқсоқоллари ташаббускор ва тадбиркор бўлишлари, ҳисобига пул тушириш учун қайғуришлари, зарур ҳолларда ўзи бошқараётган маҳаллага фойдаси тегадиган янги иш ўринлари ташкил қилишлари ёки бошқа имкониятларни қидириб топишлари керак.

Узбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунининг 5-банди, 16-моддасида шундай дейилади: «Қонунларда белгиланган тартибда ўз ҳудудида кичик корхоналар, кооперативлар, устахоналар, халқ ҳунармандчилиги цехларини ташкил этиш масалаларини кўриб чиқади».

Бундан кўриниб турибдики, ҳукуматимиз маҳаллаларда истиқомат қилувчиларнинг манфаатларини ўйлаб, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини қонун йўли билан ҳимоялашни асосий мақсадига айлантирган. Ҳар бир маҳалла оқсоқоли елибюгуриш, хайр-саховатли, тўйлар ва бошқа турли маросимларга бошқош бўлишдан ташқари, маҳалласининг ҳисобига пул маблағлари бу тадбирлар турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда асқотади. Маънавият ва маърифат маркази ходимлари, шоир ва ёзувчилар билан турли адабий кечалар уюштириб турилса, уларнинг самараси янада яхши бўлади.

Юртбошимизнинг фуқаролар йиғинлари — маҳаллалар фаолиятига жиддий эътибор билан қараётганида ҳикмат кўп. Маҳалла оқсоқоллари ва котибларини рағбатлантириш, моддий манфаатдорлигини ошириш юзасидан талай ишлар қилиняпти.

Бу албатта фуқаролар йиғинлари, маҳаллалар раис (оқсоқол)лари ва котибларига бўлган юксак ишонч ва ғамхўрликдан далолат беради. Яъни, бу билан оқсоқол ва котибларнинг ўз маҳалласига бўлган эътибори ва масъулияти оширилаяпти.

Оқсоқол ёшми-қарими маҳаллада ўзининг доно сиёсатини намойиш қилиши, умуммиллий қадриятларни ҳурмат қилиши, ўзбекона турмуш тарзини ҳаётга тадбиқ этиши, етим-есирлар, бева-бечоралар ва кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялардан хабардор бўлиб туриши ҳамма вақт фойда келтиради. Бундай савоблли ишлардан нафақат маҳалла оқсоқоллари, балки саховатпеша, ўзига тўқ инсонлар ҳам четда қолмасликлари зарур.

Президентимиз маҳаллалар фаолиятини яхшилаш, унинг нуфузини ошириш, раис (оқсоқол)ларни рағбатлантириш учун барча шарт-шароитларни яратган экан, улар мана шу эзгу мақсад йўлида ўз саъй-ҳаракатларини сусайтирмасликлари лозим бўлади.

Яна шуниси эътиборга сазоворки, бундан икки-уч ой илгари туманларда маҳалла оқсоқолларини комиссиясидан ўтказиш (аттестация) комиссиясидан ўтказиш масалалари кўриб чиқилганди. Кексайиб қолган, маҳалла аҳли норозилигига сабабчи бўлган ёки оқсоқоллик вазифасига нолойиқ деб топилганлар маҳалла меҳрига сазовор бўлган, ғайрат-шижоатли, бугунги кун талабларига жавоб беришга қодир инсонларга ўз ўринларини бўшатиб бермоқдалар.

Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг 1998 йилнинг 3 ноябрдаги қарорига кўра Узбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасига ҳамда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ, 1998 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари раислари (оқсоқоллари)нинг ва улар маслаҳатчиларининг ваколат муддати тугаши муносабати билан сайловлар ўтказилмоқда.

Бу билан фуқаролар адолатли, инсоф-диёнатли, эл-улус, маҳалла ишларига камарбаста бўлиб, ўз иқтидорларини, ҳаётий тажрибаларини намойиш этиб, ўзгаларга ўрнак бўла оладиган комил инсонларнигина ўзини ўзи бошқариш органлари раислигига сайламоқдалар.

Ўйлаймизки, раислик (оқсоқоллик)ка муносиб деб топилган фидойи инсонлар бундан буён Президентимизнинг яқинда эълон қилинган Фармонига амал қилиб, тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказишда шуҳратпарастлик, дабдабабозликка берилиб, исрофгарчиликка йўл қўяётган, эл-юрт одатлари ва анъаналарини менсинмайдиган, ўзини кўз-кўз қилиб, атрофларида яшаётган одамларнинг ҳол-аҳволини инобатга олмаётган, шунингдек, ҳавойи мансабини, лавозимини суиистеъмол қилаётган, соғлом турмуш тарзимизга доғ тушираётган айрим мансабдор ва пулдорларни инсофга чақирадилар, баҳамжиҳат иш олиб борадилар. Ахир ҳамжиҳатлик қўрқони қанчалик мустаҳкам бўлса у шунчалик гуллаб-яшнайди, обрў-эътибори ошади.

Зеро, халқимиз, «Карвонсиз йўл бўлмас, оқсоқолсиз эл бўлмас» деб бежиз айтмаган.

Азамат СУЮНОВ,
Тошкент шаҳар Юнусобод тумани «Дўстлик» маҳалласи оқсоқолининг маслаҳатчиси.

• Фуқаролик жамияти сари

ДАН: сафлар мустаҳкамланмоқда

Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармасининг Давлат автомобиль назорати бошқармасида бўлиб ўтган матбуот конференцияси Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат автомобиль назорати ходимларининг масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан келиб чиққадиган вазифаларга бағишланди.

Шу билан бирга унда давлат автомобиль назорати тизимида амалга оширилаётган ишлар, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ муҳим вазифалар ҳам кўриб чиқилди.

— Бугунги кунда барча ДАН ходимларини аттестациядан ўтказиш борасида барча ишлар олиб борилмоқда. Қайси ДАН ходими ўз ишида нуқсону камчиликка йўл қўйган бўлса сафларимизни тарк этмоқда, — деб таъкидлаш Тошкент шаҳар ДАН бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги М. Юсупов.

Конференцияда ҳозир бўлганлар ДАН фаолиятини яхшилаш юзасидан ўринли таклиф мулоҳазаларни билдирдилар. Мутасаддилар кўпчиликни қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб қайтаришди.

Зафар РОЗИҚОВ,
«Адолат» мухбири.

Мулоҳаза

НАЗОРАТНИНГ ТАЪСИРЧАНЛИГИНИ ҚАНДАЙ ОШИРИШ МУМКИН?

ёки инсоф билан ишлаш бу ҳар бир одамнинг, ҳар бир раҳбарнинг зиммасига юклатилган вазифадир

Президентимиз кейинги пайтда жойларда қилган маърузаларида асосан бир фикрни, бир оғиз сўз билан айтганда, раҳбар ходимлардан инсоф билан ишлашни талаб қиляптилар. Чунки инсоф бор жойда барака бўлади. Раҳбарларимиз инсофли ва адолатли бўлса, халқимизнинг хонадони баракали бўлади.

Лекин минг афсуски, шу оддий аксиома ҳамма раҳбарларимизнинг дилидан жой олгани йўқ. Кўпгина камчиликларнинг асосий сабаби ҳам ана шунда. Президентимиз халқ депутатлари Самарқанд, Навоий ва Тошкент вилоятлари Кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида сўзлаган нутқларида раҳбарларни инсофга чақириб, бор камчиликларни йўқотиш йўлларини ҳам батафсил тушунтириб бердилар. Айниқса, юртбошимизнинг ҳар бир раҳбар шахснинг қонун, Фармон ва қарорларнинг талабларига қаттиқ риоя қилиб, уларнинг бажарилиши устидан назоратни кучайтириши зарурлиги тўғрисидаги фикрлари ҳаммага бирдек маъқул бўлди. Дарҳақиқат мустақилликка эришганимиздан кейин ўтган етти йил ичида давлатимизда қатор-қатор қонунлар, Фармонлар ва қарорлар қабул қилинди. Уларнинг мазмун ва моҳияти давлатимизни мустаҳкамлашга, халқ хўжалигини ривожлантиришга, саноат ва қишлоқ хўжалигидаги муаммоларни ечишга, халқимизнинг фаровонлигини оширишга қаратилгандир. Бир қанча Фармон ва қарорлар ўз вақтида ва самарали бажарилмоқда. Аммо шу билан бирга анчагина қарорларнинг талаблари ҳаётга ҳали тўлиқ тадбиқ этилаётгани йўқ. Бунинг сабаби нимада ва қандай қилиб бу муаммони ечиш мумкин?

Қонун, Фармон ва қарор талабларини ҳаётга тадбиқ қилишлик, бу биринчи галда назоратни тўғри ташкил қилиш билан боғлиқ. Қанчалик назорат қаттиқ бўлса, шунчалик қарорлар амалга оширилаверади. Лекин қандай қилиб таъсирчан назорат ўрнатиш мумкин? Ҳозирги кунда бу савол жуда ҳам долзарб масалага айланиб қолди. Қабул қилинган қарорларнинг устидан назоратни кучайтириш фақат икки йўл билан амалга оширилиши мумкин.

Биринчиси — бу назоратчиларнинг сонини кўпайтиришдир. Лекин Президентимиз бу ҳақда гапириб, бу охир-оқибат яхшиликка олиб келмаслигини батафсил тушунтириб бердилар. Назоратчиларнинг сони кўпаяверса, халқ хўжалигида ким ишлайди? — деб қўйган саволлари жуда ҳам ўринли бўлди. Бундан ташқари назоратчилар ҳам бир хил эмас. Бировлари қонунга риоя қилиб вазифаларини инсоф билан бажариб, халқ ва давлатнинг манфаатларини кўзлаб, ўз мажбуриятларини амалга оширсалар, бошқалари нафс деган балои азимнинг домига тушиб, ўзларининг чўнтакларини тўлдиришдан бошқа нарсани ўйламайдилар.

Кўриниб турибдики, назоратчиларнинг сонини кўпайтириш билан бу муаммони ҳал қилиб бўлмайди.

Демак, назоратни кучайтиришнинг иккинчи йўли нимадан иборат?

Маълумки, Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарорлар қўйи ташкилотларга, яъни, вазирликлар ва республика миқёсидаги бошқа ташкилотлар ҳамда вилоят ҳокимиятларига юборилади. Улар эса Вазирлар Маҳкамасида қабул қилинган қарорнинг бажарилишини таъминлаш учун, унинг асосида яна қарорлар қабул қилиб, бу қарорларни ўзларидан қўйи ҳисобланган ташкилотларга юборадилар. Бундан ташқари вазирликлар ва вилоят ҳокимлигига юборилади. Улар эса Вазирлар Маҳкамасида қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини таъминлаш учун унинг асосида яна қарорлар қабул қилиб, бу қарорларни ўзларидан қўйи ҳисобланган ташкилотларга юборадилар. Бундан ташқари вазирликлар ва вилоят ҳокимликлари ўз ташаббуслари билан ҳам қарорлар қабул қиладилар ва уларни ҳам қўйи ташкилотларга юборадилар. Давлат қўйи ижро органлари ҳисобланган шаҳар ва туман ҳокимиятлари ҳам юқори ташкилотлардан келган қарорларни ҳамда ўз ташаббуслари билан қабул қилган қарорларини кўриб чиқиб, уларни корхона ва ташкилотларга бажариш учун юборадилар.

Бундан ташқари ҳар бир вазирлик ўз соҳаси бўйича қарорлар қабул қилиб, уларни бошқармаларга, бошқармалар вилоят ташкилотларига, вилоят ташкилотлари шаҳар ва туман ташкилотларига, улар эса қўйи ташкилотларга минглаб қарорлар юборадилар.

Бу қарорларнинг ҳаммасини қўшиб чиққанда Узбекистонда фақат ижро органлари томонидан қабул қилинган қарорларнинг сони шу даражага етадики, уларни ҳисоблаш ҳам жуда қийин бўлиб қолади. Шуни таъкидлаш керакки, бу ерда фақат қарорлар тўғрисидагина гап кетаяпти. Чунки ижро органлари қарорлардан ташқари яна Фармойишлар, буйруқлар ва бошқа ҳар хил сон-саноги йўқ хатлар ҳам чиқарадилар ва уларнинг ижросини қўйи органлардан талаб қиладилар.

Қарорлар чиқаришлик хусусан қўйи органларда жуда ҳам авж олиб кетган. Шаҳар ва туман ҳокимиятларида бир йилда 2-3 мингдан ортиқ қарор қабул қилинади.

Шу ерда қонуний савол туғилади. Шунча қарор, фармойиш, буйруқ ва хатларни ҳаётга тадбиқ қилишлик устидан тўла ва қаттиқ назорат ўрнатиш мумкинми? Албатта йўқ. Лекин бу умуман назорат йўқлигини билдирмайди. Назорат мавжуд, лекин бу назорат фақат Президентимиз маълум бир соҳани мажлисларда ёки телевидение орқали танқид қилганларидан кейин амалга оширилади, бошқа соҳалар тўғрисидаги қарорлар эса қоғозда қолиб кетаверади.

Маълумки, қарорларнинг ва бошқа ижрони талаб қилувчи ҳужжатларнинг сони қанча кўп бўлса, уларни назорат қилиш шунча қийин бўлади. Норматив актлар қанча кўп бўлса ва уларнинг устидан назорат қилишлик объектив равишда талаб даражасида бўлмаса, унда бу норматив актларнинг қадр-қиймати, салоҳияти ва обрўси тушиб кетади. Бу эса умумий ривожланишга тўсқинлик қила бошлайди. Бундан 2 минг йил аввал Рим давлатининг олими Тацит норматив актларнинг кўплиги давлатнинг ривожланишига зарар етказади, деб айтган экан.

Шуни эсдан чиқармаслик керакки, норматив актларнинг кўплигию, уларнинг мураккаблиги нопок, инсофсиз текширувчиларнинг қўлида таъмагирлик қуролига айланади. Шунинг учун Президентимиз ўз нутқларида бир назоратчи бир тадбиркорга қасд қилиб, унинг фаолиятини текширганида, мингта ҳужжатни сўраб, уни бадном қилишга ҳаракат қилади деганлари ҳақиқатдир ва у ҳаётда тез-тез учраб турибди. Мингта ҳужжатни талаб қилишлик ҳам қарорларнинг кўплигию чалкашлигию ҳамда мураккаблигидан келиб чиқади.

Шундай қилиб, норматив актларнинг талаблари устидан назоратни кучайтиришнинг иккинчи ва бирдан бир йўли, бу аввало уларнинг сонини кескин камайтириб, сифатини эса кўтаришликдан иборатдир. Хўш, нима учун бизнинг давлатимизда бунчалик кўп норматив актлар қабул қилинар экан бунга бирон бир объектив сабаб борми ёки йўқми?

Албатта объектив сабаблар мавжуд.

Норматив актларнинг кўплиги бу ўтиш даврининг маҳсули бўлиб, уни ўзига хос хусусиятларидандир. Ўтиш даврининг биринчи босқичида бу салбий иллатлар-сарқитларни йўқотиш эса аста-секинлик билан амалга оширилади.

Узбекистон Республикасининг иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожланиши шуни кўрсатяптики, ўтиш даврининг биринчи босқичи ўз ниҳоясига етмоқда. Шунинг учун ҳам Президентимиз ўз нутқларида эндиликда янги даврга хос чора-тадбирлар ишлаб чиқилаётганлиги, ёшларга ва ҳар бир инсофли, жонкуяр шахсга катта йўл очиб беришлиги, давлат эса ана шу инсофли қатламларга суянган ҳолда ўз фаолиятини амалга оширишлиги тўғрисида таъкидлаб ўтдилар.

Президентимиз раҳбарлигида ўтиш даврининг иккинчи босқичига хос бўлган янги концепция ишлаб чиқилаётганлигига ва у давлатимиз олдида мақсад қилиб қўйган буюкликка олиб келишлигига халқимиз чин юракдан ишонади.

Лекин шуни алоҳида таъкидлаш керакки агарда одамларимиз, хусусан, раҳбарларимиз инсофга риоя қилмасалар унда ҳеч қандай концепция, қонун ва ҳоказолар буюкликка қараб бораётган давлатимизнинг ривожланишини тезлаштира олмайди.

Инсоф деган сўзни чуқурроқ таҳлил қилганда, унинг тагида қанчадан-қанча ҳикматлар ётганини гувоҳи бўлади киши. Инсоф дегани бу қаҳрамонлик ёки фидойилик деган баландпарвоз сўзлар эмас.

Инсоф — бу ҳар бир одамнинг устига юклатилган вазифани ҳалоллик билан бажаришини англатади.

Инсоф — бу савдо-сотиқ билан шуғулланадиган кишини фирибгарликдан, деҳқонни ёки ишчини ялқовликдан, илм ўргатадиганларни мунофиқликдан, раҳбар шахсни эса ўз вазифасини суиистеъмол қилишликдан сақлайдиган бир буюк тушунчадир.

Инсоф ҳаммада бўлиши керак. Хусусан у раҳбар кишида бўлиши жуда ҳам шарт, чунки оддий одам раҳбарга қараб яшайди. Раҳбар шахсда инсоф бўл

Янгисарлар

Адолат

...исса

Юртбошимиз кейинги пайтда жойларда иб қилган маърузаларида айрим раҳбарларнинг ўзи хон, қўланкаси майданлигини, уларнинг одамларга нисбатан тўраларча муносабатда бўлаётлигини, ошна-оғайнигарчиликка, қариндош-уруғчиликка, маҳаллийчиликка берилиб, давлат ишини унутиб, шахсий бойлик кетидан қувиб, данғиллама участкалар қуриб, шоҳона тўй-томошалар қилиб, атрофдагиларнинг ғашини ғашига тегаётганини қаттиқ танқид қилдилар. Уларни инсоф ва дққа чақирдилар.

Қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган «Адолат» номли қиссада ҳам ана шу иллатлар тилга олинади. Инсоннинг ...и, оқибати ҳақида, тўғрилик, ҳалоллик, адолат ҳақида, инсоф ва диқиқ тўғрисида сўз юритилади. Зеро, юртбошимиз таъкидлаганларидек, «Кўпни ҳурмат қилиш, оила ва фарзандлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, кўнгиллилик, миллатидан қатъий назар одамларга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш, ўзгалар кулфатига ҳамдард бўлиш ва ўзаро ёрдам ...ту кишилар ўртасидаги муносабатларнинг меъёри ҳисобланади».

«Адолат»нинг мавзуси ҳам худди шулар ...

«Хотини эрини суд қилар эмиш».

Бу гап оғиздан-оғизга кўчиб, бутун қишлоққа қалди. Айниқса, аёлларнинг куни туғди: «Боплаб ...олади энди», деди бири. «Тўғри қилади, — деди ...каси. — Иккита гўдакнинг уволи урсин уни». «Ота...нг соясида роса даврини сурди, муттаҳам», деди ...чи аёл.

Хуллас, ўша куни эшитган ҳам, эшитмаган ҳам ...даният саройига урди ўзини. Каттакон зал бир з...одамлар билан лиқ тўлди. Адолатнинг эса ҳеч н...дан хабари йўқ эди. Тўғри, иш билан танишаётга...юрагининг аллақаери жизиллаб кетгандай бўлувди...кин, оламда нима кўп, бир-бирига ўхшаган исму...рифлар кўп, деган хаёлга бориб, эътибор бермай...қолганди. Бунинг устига отаси қазо қилгандан к...Азиз онаси ва ёлғиз бева опаси билан бирга тума...кўчиб кетишганди. Шунгаям уч йилча бўлиб қолди...

— Ўрнингиздан туринг, суд келяпти.

Зал оёққа қалқди. Икки маслаҳатчи ҳамроҳ...ўрнига келиб ўтирган Адолат қора курсидаги жи...чига қаради-ю ичидан зил кетди. Кўз олди қоро...шиб, беихтиёр бошини чангаллаб олди.

— Нима бўлди қизим? — сўради ўнг томонда ўти...кекса маслаҳатчи, — тобингиз қочдими?

— Ҳа, отахон, «иш»ни кўролмайман, шекилли.

Бир нимани фаҳмлаган маслаҳатчи-оқсоқол аста...нидан турди:

— Жаноблар суд раиси бетоб бўлиб қолганлиги...файли суд иши бошқа кунга қолдирилади, — эъ...қилди у.

Одамлар ҳайрон бўлиб, елка қисиб тарқалиш...Хаёллар гирдобида мияси чархпалакдай ғувиллаёт...Адолатни котиба қизнинг овози худди ёмон туш...раётган пайтда бирдан уйғотиб юборгандай бўлди:

— Врач чақирайми, опа?

— Нима? Э, йўқ, — деди бошини кўтариб Адолат...бу дардни докторлар даволай олишмайди...

Иккинчи маслаҳатчи ҳайрон бўлиб, ҳамроҳига қа...ди. Кўпни кўрган отахон алланимага тушунгандай б...ди шекилли, ўсмоқчилик сўради:

— Ишни бошқа туман судига ўтказиб юборсак...кин?

— Шундай қилишга тўғри келади, отахон.

— Нега, ахир? — сўради қизиққон котиба.

— Чунки... чунки жиноятчи... Билсанг, менинг эри...қан бу савол залда худди момақалдироқдай гумбу...лаб кетди...

I

...Адолат ўрта мактабни олтин медал билан тамомлад...Йигитнинг етуклик гувоҳномасидаги баҳолар эса нотекис эд...Шундай бўлса ҳам у институтга киришга ахд қилди. Ни...бўпти, ётиб қолгунча отиб қол! Аммо ота орзу қилганд...юрист эмас, врач бўлишни хоҳларди у.

— Доктор бўлсам сенинг ойингни ҳам ўзим даволайма...Адол, — дерди йигит маъшуқасига. Ушандай пайтларда қи...нинг кўз ўнгида дардманд онасининг оёққа туриб кетган...гавдаланарди-ю, йигитга меҳри ошиб, унга миннатдорчили...гини қай йўсинда билдириши биролмай оддийгина қили...«раҳмат» дея қўя қоларди.

Ўз орзуси қанотида учиб-қўниб юрган бўлажак доктор би...куни «ойим билан таништираман» — деб Адолатни жон-ж...лига қуймасдан уйларига бошлаб келди. Яхшиямки, ҳовли...ҳеч ким кўринмади. Дарвозаси нақшиндор, ҳашаматли би...олдида қиз аввалига бироз ийманиб турди. Лекин ичкари...киргач, бир-биридан бежиким хоналар, ранг-баранг гилам...лару, ганжли гарнитурлар бутунлай ром этиб қўйди.

— Буларнинг ҳаммаси сен билан меники... Бизники бўла...ди, — деди йигит қизнинг қўлларидан ушлаб, — бирга ўқий...миз, бирга ишлаймиз. Нима дейсан, азизим?

— Қайдам, — қиз кўзларини олиб қочди. Бироқ, йигит...маҳбубасини бағрига тортганда унга қаршилик кўрсатишга...ожизлик қилди. Оташ бўсалар оловида қовурилаётган ик...дил шу тобда ҳамма нарсани унутган эди. Шунинг учун ула...ота-онанинг кириб келишганини ҳам пайқашмади.

— Вой ўлмасам, — онанинг қўлидаги тугун тапиллаб оёқ...остидаги гилам устига тушди. — Бу не шармандалик?

Қиз ўзини йигитнинг панасига олди. Она огзидаги жия...аллақачон йиртилган эди:

— Қиз ўлгур, уялмай-нетмай ҳали оғиз сути оғзидан кет...маган болага тармашасанми? Ҳаё деган нарса борми ўзи...сенда?

— Ойи! — бақирди йигит, — унда... бизда нима айб?

— Жим бўл! — ўшқирди ота, — беномуслар! Йўқот бунинг...ни! Ҳе, сендақа Лайли-Мажнунлардан ўргилдим... тирмизак...лар!

Қиз йиглаб ўзини ташқарига отди. Йигит унинг ортидан...талпинган эди, ота йўлини тўсди:

— Сен қаёққа?

Ўгил аста ўгирилди. Кўзларида жиққа ёш билан бош эгиб...турган фарзандига Шерали аканинг раҳми келиб юмшади. Шу пайтгача у ёлғизини бирор марта бу алфозда кўрмаган эди. Ҳалигина тунд қовоғи аслига қайтиб, ширмондай қизил юзи бироз ёришди. Қуюқ қора қошлари остидаги серкиприк йирик кўзларини Азизга тикиб, қоридор йўғон гавдасига мос бўлмаган чаққонлик билан сакраб ўрнидан турди:

— Ўглим, битта-ю битта суянчигимсан, уйланиш қочмайди. Аввал ўқиш керак! ўқисанг, кам бўлмайсан. Пул эса адлия...да. Юрист бўласан, шукурки, заримиз ҳам, зўримиз ҳам бор: Примқул туманнинг ҳокими — устуни, ўшанинг қизига оғиз солганман.

— Адолат...

— Бас. Тенг-тенги билан... дейдилар. Оёғидан силкитсанг, чўнтагидан хемири тушмайди-ю... Зарари йўқ, ўқишга кирсанг бу ўткинчи ҳислардан қутуласан. Балки Америкага бориб ўқирсан...

— Ўқишга дейсиз, дада. Бунисига киролмайман... Тест огир... кейин... Хоҳламайман!

— Кирасан. Пул бўлса чангалда шўрва! Тестингни «есть» қиламиз.

Ота адашди: югурди-елди, тўқди-сочди, бўлмади. Азиз танловдан ўтолмай эл оёғи тингач, қоронгуда пастқам-пана кўчалардан ўгридай писиб уйига кириб келди. Бироқ, эл оғзига элак, кўзига галвир тутиб бўлармиди! Бу хабар қишлоққа тез тарқалди. Ахир гап эчки эмаски, соқолидан ушлаб, дарров огилга қамаб қўяқолсанг! Уялган ота бир-икки даврада ўзича баҳона тўқиган бўлди:

— Аслида шу ўқишга хоҳиши йўқ эди, болани ўз эркига қўйиб бериш керак экан...

Эрк. Лекин, тўй ҳақида гап борганда ота-она яна тўнини тескари кийишди. Иложсиз қолган икки севишган қалб амалтақал қилиб ёшларнинг қадрдони Феруза Аҳадовна ёрдамида пинҳона ЗАГСдан ўтиб олишди. Бутун орзулари пучга чиққан, ўша катта, ўша «устун» билан қуда-анда бўлиб, туманда кўзга кўринишни ният қилиб юрган Шерали ака жаҳл устида ўгилини уйдан ҳайдади.

Муҳаббат истиробли-ю, аммо истиробдан устун, деганлари рост экан. Адолатнинг далдаси Азизнинг жонига оро кирди:

— Ота қалби — осмон, она меҳри — денгиз. Ҳадеб азият чекаверманг, — дерди қиз Азиз ҳар гал хаёлга чўмганида, — мана кўрасиз, бир кун келиб тушунишади. Ахир, айбимиз бир-биримизни севганимизми? Йўқ, кечиришади бизни!

Шундай пайтларда Адолатнинг онаси Норбуви хола ўзини ушлаб туролмасди. Бу сафар ҳам шундай бўлди.

— Чакки қилдиларинг, болаларим, — деди у хаста овоз билан, — кечиришару, лекин ота-онани ранжитган асло унибўсмайди. Биламан, отангиз, қуёв, савдонинг, тижоратнинг пири, пули кўп. Ҳамма соясига салом берадиган Примқулдай зўравон ҳам худди ана шу бойликка, қолаверса, ёлғиз фарзанди, данғиллама уйжой, ҳовлига қантариб қўйилган «Мерседес» машинасига учиб, отангиз билан қуда бўлмоқчи эди.

— Менга зўравонлик кетмайди, — деди Азиз хаёл аралаш, — севгига зуғум қиладиган замонлар ўтган.

Адолат эрининг фикрини маъқуллаган бўлди:

— Муҳаббат ҳатто шоҳлардан ҳам устун бўлган экан. Лайли-Мажнун, Тоҳир-Зуҳра, Фарҳод-Ширинларни эсга олинг, ойи!

— Бе, — ётган жойида қўл силтади Норбуви хола, — Примқулни билмайсиз... Унинг қўлтиқ таёғи бор, қаноти эса пул!

— Шу лавозимга муносиб эмас-ку бу одам, ҳеч ақлимга сиғдиролмайман, — қуйиниб гапирди Азиз, — раҳбарлик ҳам — санъат. Таланти йўқ артист саҳнадан тез ҳайдалади. Бизнинг тарих муаллимимиз ҳамиша шундай дер эдилар.

— Балли, — онанинг юзи бир оз ёришгандай бўлди, — мана, мен ҳам ўқитувчи эдим. Шу дарди бедавога чалиндиму, тўшакка михланиб қолдим. Билиб қўй, Азиз, ҳаёт — бир гулзор. Бироқ шу гулзорда райҳон баданига ёпишган зарпеклар ҳам учраб туради. Зарпечакда эса илдиз йўқ, ҳамиша бошқа бирор ўсимликнинг танасига ёпишиб, унинг баданидаги шира ҳисобига кун кўради. Шунинг учун бу текинхўр ўтнинг ранги зардобдай заъфарон. Ундан ҳеч қанақа наф йўқ. Деҳқон эса мудом ўз даласини шу зардобдан тозалаб юради. Аммо зарпечакнинг даҳшати шундаки, — у нимжон-ноқ ниҳолларни майиб қилиб қўйиши мумкин. Ана шуниси аввфли. Шунинг учун зарпечаклар дарров юлиб ташланади!

— Зарпечаклар юлиб ташланадими, — хушҳол гапира бошлади Адолат, — шундай экан, нега куйинасиз, ойи? Демак, кун-эрта Азизнинг дадалари ҳам келиб бизлардан кечирим сўрайдилар. — «Болаларим, адашибмиз», дейдилар бош қиб, мени ва ойингизни маъзур тутинг, қизим. Сизда ҳам, ...изда ҳам айб бор. Боламнинг жуфти ҳалоли бизга ҳам арзанд. Сизларни олиб кетгани келдим. Вафо-ю, садоқат ...лан қуша қаринглар. Фақат жанжаллашманглар», деб пасиҳатлар қиладилар. Биз ҳеч қачон бир-биримизни ранмаймиз-а, Азиз?

— Ҳеч қачон! Ҳеч қачон! Ҳеч қачон! — Азизнинг овози ...ди қасамёддай жаранглади.

— Сизга ишонаман, Азизжон, — деди она кўзларига ёш ...б, — қизим бечорани ота ҳасрати адои-тамом қилди. ...нг устига менинг дардим ортиқча бўлди унга...

— Нега бунақа дейсиз, ойи. — Адолат онасининг пешона...и силади, — бу касалга ҳам даво топилганмиш-ку, ахир. ...в ТошМИга кирмоқчилар. У ерда зўр-зўр профессорлар, ...торлар билан танишиб, сизни қаратгани олиб кетадилар.

— Уқишга бирга борамиз, Адол, — деди Азиз. Шундай ...ю, бирдан тилини тишлаб қолди. У севгилисининг хас...нани ташлаб кетолмаслигини яхши билар эди. Шунинг ...ҳам қўққисдан оғиздан чиқиб кетган бу гап она-болани ...итиб қўймадимикин, деган хаёлга бориб, аввал Адолат...ейин қайнонасига зимдан назар ташлади: сезишибди!

— Қизгинам йўлингга тўғаноқ бўлдим, — чуқур уф тортди ...уви хола, — тезроқ ўлақолсам бўлмасмиди?!.

— Ойижон, ўксиманг, сизни ташлаб ҳеч қаёққа кетмайман, ...олат бемор онанинг кўксига бош қўйди, — мен иш...он. Азиз ўқийдилар. Фақат сиз кўнглингизни бузманг, ...Сизни ёлғиз қолдирмаймиз, — Азиз қайнонасининг қу...як панжасини юзига босди. — Мана кўрасиз, давола...ўқишни битиргач, ўзим даволайман.

...мрингиздан барака топинг, болам!

...га ноқулай жимлик чўкди. Ҳар ким ўз хаёллари билан ...икки ёшнинг ҳали мавҳум келажаги, Адолат ўз маҳбу...Азиз эса бу оила бошига тушган кулфат ҳақида ўй ...эди. Адолатнинг дадаси ширкат хўжалигида ҳосилот ...из унинг ўз ишини ташлаб, қайси бир савдо омборида ...ир бўлиб ишга кирганини ва орадан икки йил ўтиб ...куда катта камомадга йўл қўйиб, қамалиб кетганини ...ларди. Бу ҳақда у Адолат билан ҳам жуда кўп марта ...Ушандай суҳбатларда Адолат ҳар гал «Уйга би...канлар?» — деб сўрар, бу чигаллик олдида оҳиз ...Азизни эса яна бошқа бир савол қийнарди: «Нега у ...кабул қилган...»

...инг назарида саволларнинг чеки-чегараси йўқдай. ...аши қотган. Яхшиямки, шу пайт дарвоза тақиллаб ...долат чиқиб, почтальонни бошлаб келди. Меҳри хо...енсиясини келтирган экан. «Хушхабарчи» жўнаши ...влига пакетлар кўтариб олган бир тўда кишилар ...лишди. Ҳалигина сув сепгандай жим-жит ҳовли бир ...а-говурга тўлиб кетди. Норбуви хола ётган жойида ...рдан бирини олдига имлади ва Азизга қараб деди: ...р менинг ҳамкасбларим, муаллимлар. Бу эса ме...им, Азизжон!

...соз, — деди сочига оқ ораган йигит, — ҳамма...ардормиз. — Биз никоҳ базмини ўтказгани келдик. ...латхон, либосингизни кийиб олинг. Ҳой, Раъноҳон ...сантирингда, оппоқ қиз. Куёв тўра, сиз мен билан ...ринг. Олиб келган қўйингизни ўзингиз сўясизми, ...? Хўш, мактаб ансамбли ҳозир келади. Ҳа, дарво...ним, карнайчи Тўра билан ногорачи Сафо чакакка ...анмисиз?..

...холанинг кўзлари яна намланди. Энди бу — се...и эди...

II

...у дамда яна бир хонадонда базми жамшид авжи...спубликага донги кетган хонандалардан бирини ...тилган кунига атайлаб Тошкентдан таклиф қилган ...ярим гектарлик ҳовли ёг тушса ялагудек. Томга ...к хиёбони каттакон бинони айланиб яна кўк те...ага келиб тақалади. Ҳовлида атиги биттагина чи...рофни зўр-базўр ёритиб турибди, сиртдан қара...ерда зиёфат бўлаётганини хаёлига ҳам келтир...идаги ўттиз-қирқ киши бемалол ёнбошлаб ўтир...г эса дераза ларига қалин пардалар тутилгани ...га нур ҳам, хонданинг овози ҳам чиқмасди.

...жуфт қандил мунаввар қилиб турибди. Совут...йилаётган муздай ҳаво майдан шалвираган ба...ат бахш этмоқда, уйнинг тўрида атлас қўрпача ...й бахмал ёстиқларга ёнбошлаб ётган Примқул ...ниқ садоси симобдай эритмоқда. У кўзларини ...амоҳанг бир маромда бош қимирлатаяпти. Дав...г чўрқ этиб огиз очишга юраклари бетламайди. ...ниҳоясида «Яшанг», «Офарин», «Кам бўлманг», ...ар ёғилади. Шундай кейингина хонага узун...нги меҳмонлар кириб кела бошлайдилар. ...ладай бутун бир кўрпачага ястанган Примқул ...ига ўхшаган қонталаш юзларидаги терини ар...алари билан остонада ҳурмат сақлаб турган ...ога бургут қараш қиладида, одатдаги саволни ...

...т кетса-чи?

...ўқ баравар! — жавоб беришади янги меҳмон...лқаҳа кўтарилади. Кулги тингач, Примқул шо...рфлайди:

...ан совғаларни қабул қилиб ол, тойчоқ!

...анлар билан бирма-бир ва узоқ ҳол-аҳвол ...фа яна эшикка қараб бақиради:

...ор?

...сўрайди Примқул ва қаҳқаҳали кулгини ўзи ...б бошқалар унга жўр бўлишади. Ўртада айла...ниёлалар жаранги тингач, каттакон дастурхон ...ч йигиштириб олинади. Даврада нозик-ниҳол ...расҳа ялтироқ либосда чарх ура бошлайди. ...ш кўриниб турган оппоқ, хипча бадан бусиз ...ҳалган вужудларни алангалатиб юборади, кўз...лафхтиёр қўллар чўнтакларга югуради, «қис...тиланади. Примқул бир томонидан ипга тизилган ...зсумликларни кўрпача тагидан олиб даст ўр...ни раққосанинг бошига дўппи қилиб кийги...зии орқасига кокила қилиб тушириб ҳам қўяди...ини ковлаб битта «кўки»дан олиб қистирадаги «Барака топинг», «Дард кўрманг» қабилидаграйди. Лекин бу олқишлар энди раққоса ...шаптими ёки сахий мезбонга аталганми, ...па...

(Давоми келгуси сонда).

ДУШАНБА, 28

ЎзТВ I

5.00 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расулуллох». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 5 фасл 9-қисм.
5.50 Мумтоз мусиқа.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.30 «Тахлилнома».
8.10—8.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Буюк Ипак йўли. Нурота».

*

8.30 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
8.55 «Жаҳон спорти».
9.05 «Ўзбекистоним менинг». Мусиқий дастур.
9.45 «Кичкинтоймиз — гижингтойлар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Кино янгиликлари».
10.15 «Жаҳон киноси юлдузлари».
10.35 «Санъат олами».
10.55 «Кундуз амакининг қиссалари». Мультсериал.
11.10 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
11.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси халқ чолғу оркестрининг концерти.
12.05 Кундузги сеанс: «Довюрак Хобчар ҳақида ривоят». Бадиий фильм.
13.35 — 14.00 «Обод ўйда пок одамлар яшайди». Таҳлилий кўрсатув.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Олам ва одам».
18.25 Каратэ бўйича жаҳон кубоги.
18.40 «Қўшиққа кўчган сатрлар». Эркатош Шукурова.
19.05 «Тафсилот».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
20.00 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расулуллох». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-фасл 10-қисм.
21.55 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
23.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 7-қисм.
23.55 «Ахборот».
00.25—00.30 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади (Қувноқ учрашув, Мульттомоша).
18.35 «Ақл — ёшдамас».
18.55 «Сарвиноз».
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.30 «О, ёшлигим».
19.45, 20.35, 22.55 — Эълонлар.
19.50 «Доктор Финли». Телесериал.
20.40 «Проктер энд Гэмбл» сифатига ишончингиз комил бўлсин.
20.50 «Имом ал-Бухорий». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 4-қисм.
21.25 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
21.45 «Кулгига нима етсин».
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.30 «Ёшлар» телеканалида.
22.35 «Эгиз қўшиқлар».
23.00 Синема. «Эмма».
00.45 Хайрли тун!

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «ДАРАКЧИ».
18.10 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.20 Телефакт (рус тилида).
18.30 «Сен ҳақингда ва сен учун» (ўзбек тилида).
18.45 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
20.00 «Япония ҳақида хикоялар».
20.20 Дилором наволар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Таггерт». Телесериал.
21.55 «Дорихона эшитади...». Бевосита мулоқот.
22.25 «Телефакт» (ўзбек тилида).
22.35 «ДАРАКЧИ».
22.45 «Спорт-тайм».
23.05 «Морт ва Фил». Мультсериал.
23.30 Оҳанглар ва эълонлар.
23.40 Саргузашт фильмлар экрани.
01.20 Хайрли тун, шаҳрим!

ЎзТВ IV

16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».

*

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

Россия жамоат телевидениеси.
18.45 «Шу ерда ва ҳозир».
19.05 Душанба куни Познер билан. «Биз» дастури.
19.45 «Чироқлари синган кўчалар». Милиция сериали.
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.00 «Время».

*

21.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 162-қисм.
22.20 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Замонавий дизайн».
22.45 «Вақт хазинасидан».
23.00 «Вести».
23.30 Киносеанс: «Тақдир ҳазили ёки қушдек енгил бўлинг». Бадиий фильм. 1-серия.
00.35 «Ахборот»(рус тилида).
01.00 «Тақдир ҳазили ёки қушдек енгил бўлинг». Бадиий фильм. 2-серия.
02.25—02.30 Тунингиз осуда бўлсин.

СЕШАНБА, 29

ЎзТВ I

5.00 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расулуллох». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 5-фасл 10-қисм.
5.50 Мумтоз мусиқа.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.30 «Ахборот».
8.00 — 8.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Моворауннахр».

*

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 Халқаро симфоник мусиқа фестивали.
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 7-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Конун ва ижро».
10.25 Янги алифбони ўрганамиз.
10.55 «Инсон ва замин». Тележурнал.
11.35 Миллий кураш бўйича Ўзбекистон чемпионати.
12.05 «Зиё». Бадиий-публицистик кўрсатув.
12.50—14.00 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Алифбо байрами».
18.25 «Таянч нуқтаси».
18.45 «Премьерадан сўнг...». «Соҳиб бўлиб чопаётган Олапар» видеофильми ҳақида.
19.10 «Бинокор».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
20.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Акс-садо».
21.35 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расулуллох». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-фасл 11-қисм.
22.20 «Дил торлари». Мусиқий дастур.
22.45 «Сиёсат оламида».
23.05 «Узлигинг намоён қил». Экранда — Тошкент вилояти.
23.40 «Ахборот».
00.10—00.15 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 7-қисм.
18.55 «Ер ишқи».
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.30 Солиқ ҳақида сабоқлар.
19.45, 20.35, 23.15 — Эълонлар.
19.50 «Доктор Финли». Телесериал.
20.40 «Марду-майдон».
21.05 «Имом ал-Бухорий». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 5-қисм.
21.40 Очун.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.30 «Ифтихор».
22.45 Футбол шоу.
23.10 Синема. «Амакиавча». Детектив (Франция).
00.55 Хайрли тун!

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «ДАРАКЧИ».
18.10 Болалар учун. «Энди эртак бошланади».
18.30 «Байрам эшик қоқмоқда».
18.35 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.10 «Табиат шифохонаси».
19.25, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
20.00 «Байрам эшик қоқмоқда».
20.05 «Мисли гавҳар».
20.20 «Ҳиндистондан салом».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Проктер энд Гембэл: Сифатига кафолат берадик».
21.15 «Таггерт». Телесериал.
22.05 «Турмиш ҳақида». Иллик шарҳ.
22.35 «ДАРАКЧИ».
22.45 «Бешинчи ўлчов». Байрам сони.
23.05 «Иш бундай бўлган эди...». Мусиқий-дам олиш дастури.
23.35 Оҳанглар ва эълонлар.
23.45 «Кинонигоҳ» рукнида байрам тухфаси: «34-кўчадаги мўъжизалар».
01.25 «Хайрли тун, шаҳрим!

ЎзТВ IV

Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00.

*

16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».

*

17.10—18.45 Туркия телевидениеси

*

Россия жамоат телевидениеси
18.45 «Шу ерда ва ҳозир».
19.05 «Мавзу».
19.45 «Чироқлари синган кўчалар». Милиция сериали.
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.00 «Время».

*

21.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 163-қисм.
22.20 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Гершвин оҳанглари».
23.00 «Вести».
23.30 Киносеанс: Фара Монтье «Менинг сўнгги тангоим» фильмида.
01.05 «Ахборот»(рус тилида).
01.30 Тунги сеанс. «Ижарага олинган болалар». Бадиий фильм.
03.00—03.05 Тунингиз осуда бўлсин!

ЧОРШАНБА, 30

ЎзТВ I

5.00 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расулуллох». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 5-фасл 12-қисм.
5.50 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Пахлавон Маҳмуд».
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.30 «Ахборот».
8.00 —8.30 «Истиқлол нашидаси». Мусиқий дастур.
8.30 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
9.00 «Жараён».
9.10 «Маржон». Телевизион клуб.
9.45 «Кундуз амакининг қиссалари». Мультсериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.

«Умид» намойиш этади:

10.05 «Ён, ён, арчажон!».
10.30 «Ўхшаш чехралар».
11.10 «Муҳаббат дарси».
11.30 «Акс-садо».
12.05 Бокс. «Юрт ўғлонлари».
12.25 «Мусиқий ринг». Телешоу.
12.55 — 14.00 Кундузги сеанс: «Еттинчи жин». Бадиий фильм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Омад юлдузи». Телевизион ўйин.
18.35 «Жавҳар». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.00 «Истеъдод». Шавкат Ҳамдамов.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
20.00 «Миллий таълим уфқлари».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расулуллох». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-фасл 12-қисм.
21.50 «Кизлар давраси».
23.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 8-қисм.
24.00 «Ахборот».
00.30—00.35 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Янги йил табриги.
18.10 «Янги авлод» студияси намойиш этади (Мульттомоша).
18.25 «Семурғ». Усмирлар учун ахборот кўнгилочад дастури.
18.40 «02» тўлқинида.
18.55 Янги йил табриги.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.30 «Дил рози».
19.35 «Ракус».
19.55 Янги йил табриги.
20.00 Спорт-лотто.
20.20 «Лаззат».
20.50, 23.05 — Эълонлар.
20.55 «Спектаклдан сўнг». Мукимий номли театрнинг янги комедияли «Сойибхўжа операцияси» спектакли ҳақида.
21.15 «Обид-шу». 1-кўрсатув.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.30 Янги йил табриги.
22.35 «Ёшлар» телеканалида.
22.40 «Каталог».
22.50 «Хит-коллекция».
23.10 Синема. «Ғаров кўйилди». Детектив (Франция).
00.50 Хайрли тун!

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «ДАРАКЧИ».
18.10 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.35 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.20 «Байрам эшик қоқмоқда».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
20.00 «Онагинам».
20.15 «Байрам эшик қоқмоқда».
20.20 Екимли оҳанглар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Юлдузча». Танлов дастури.
21.55 «Таггерт». Телесериал.
22.45 «ДАРАКЧИ».
22.55 «Билиб қўйган яхши».
23.05 «Умр-йўлдоши».
23.40 «Байрам эшик қоқмоқда».
23.45 «Хайрли, оқшом».
00.15 «Кузгу».
00.35 Оҳанглар ва эълонлар.
00.45 Видео-«О».
02.25 «Хайрли тун, шаҳрим!».

ЎзТВ IV

Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00

*

16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».

*

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

Россия жамоат телевидениеси.
18.45 «Шу ерда ва ҳозир».
19.05 «Инсон ва қонун».
19.45 «Чироқлари синган кўчалар». Милиция сериали.
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.00 «Время».

*

21.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 163-қисм.
22.20 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Дурдаршан». Ҳинд хонандаларининг Янги йил совғаси.
23.00 «Вести».
23.30 «Шохсупа сари йўл». Сарҳисоб.
23.50 Кинематограф: «Бетман ва Робин». 1-серия. Бош ролларда А. Шварценеггер ва Д. Клуни.
00.50 «Ахборот»(рус тилида).
01.15 «Бетман ва Робин». Бадиий фильм. 2-серия.
02.15—02.20 Тунингиз осуда бўлсин!

ПАЙШАНБА, 31

ЎзТВ I

5.00 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расулуллох». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 5-фасл 12-қисм.
5.50 Мумтоз мусиқа.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.30 «Ахборот».
8.00 — 8.30 «Зийнат».

*

8.30 «Ёш хонандалар концерти».
8.55 «Кундуз амакининг қиссалари». Мультсериал.
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 8-қисм.
10.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Мушоира».
10.25 «Ўзбекистон спортининг нуфузи».
10.40 «Мусиқий сарҳисоб».

«Умид» намойиш этади:

11.20 «Ха, ха, ха». Ҳаммага.
11.45 «Фламинго».

*

12.05 «Қувонч бахш этиб». Янги йил дастури.
12.35 — 14.00 Кундузги сеанс: «Қор маликаси». Бадиий фильм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультолам.
18.50 «Ҳуқуқ ва ҳаёт».
18.30 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
18.35 «Ажаб саодат эрур...». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.00 «Ҳидоят сари».
19.25, 21.10, 22.00 — Эълонлар.
19.50 «Ғалиҳнома» (рус тилида).
20.10 «Ғамга юз».
20.30 «Ғалиҳнома».
21.05 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расулуллох». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-фасл 13-қисм.
22.05 «Ҳамма қуриши шарт... эмас». Мусиқий-дам олиш дастури.
23.00 Янги йил базми.
23.50 Янги йил табриги.
00.05 Янги йил базмининг давоми.
01.35 «Телевизион миниатюралар театри».
02.35 «Куйла, ёшлигим». Эстрада калейдоскопи.
03.35 — 03.40 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.25 Кўрсатувлар дастури.
18.30 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 8-қисм.
18.50 «Янги авлод» студиясида Янги йил.
19.30 «Ақл ва ёшлик».
19.45 «Премьерадан сўнг...». «Соҳиб бўлиб чопаётган Олапар» видеофильми ҳақида.
19.10 «Бинокор».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
20.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Акс-садо».
21.35 Муборак Рамаз

Рассом хандаси

Ота: — Дилингиздагини айтмасингизданоқ муҳайё қиладиган қилиб тарбиялаганман, ишончли лавозимга тайинлайверинг...

— Қузғунлик виждоним ҳақи, шу «азамат»ларга миннатдорчилик билдириб қўйишимиз керак.

— Тўғри, айтасан, шоввозлар бирорта буғдойни кўммай кетишяпти.

— Агар жангда мағлуб бўлсанг, шўрва бўласан...



— Амал курсисига қандай чиқиб олдийкин-а?

— Тирговичи йўқ эди, ҳайронман...

Собир ХОЛБЕКОВ чизган суратлар.

СПОРТ

ЗИДАН — «ОЛТИН ТЎП» СОВРИНДОРИ!

21 декабрь куни «Franse Football» ҳафталиги Оврўпонинг бу йилги энг машҳурфутболчиси сўровлар натижасида аниқланганлигини эълон қилди.

Франция терма жамоаси ва Италиянинг «Ювентус» клуби аъзоси Зайниддин Зидан 244 баҳо олиб, қитъанинг энг яхши ўйинчиси номини қўлга киритди.

Зидан «олтин тўп» ни қўлга киритган тўртинчи француз футболчисидир. Вақтида Раймон Копа, Мишель Платини (уч бор) ва Жан-Пьер Папенлар ҳам ушбу совринга эгалик қилгандилар.

Сўровда Мадриднинг «Реал» жамоасидан 5,5 футболчи ўринларга номзод кўрсатилган (бир футболчи мавсум оралигида жамоани қўшилганлиги боис 0,5 деб белгиланди).

«Ювентус»дан тўртта, Голландиянинг «Аякс» ва Лондоннинг «Арсенал» жамоаларидан 3 тадан ўйинчининг номи зикр этилган. «Барселона» сафидан бу йил икки футболчигина зўрлар қаторида саналди. «Динамо» (Киев) аъзоси А. Шевченко руйхатда кўринган ҳолда, «Спартак» (Москва)дан ҳеч бир футболчи тилга олинмаган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 22 декабрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун 1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 АҚШ доллари — 109 сўм 80 тийин.

Лўқма

ЯНА «ПАҚ-ПАҚ» БОШЛАНДИ

Гапимизнинг аввалида айтиб қўяқолайлик. Бу безориликми ёки болаларнинг шунчаки ўйинқароқлигими? Ўйинқароқлик дейишга тил бормайди, кўпроқ безориликка ўхшаб кетади. Енверингиздан пақиллатиб қолишади, сал бўлмаса ростакам милтиқ овозидек жаранглайди. Шунда одамлар, айниқса кекса ёшдаги кишилар бехос чўчиб тушади, йўлда кетаётган ҳомиладор аёллар юрак чангаллаб, тезоқ уйларига етиб олиш ҳаракатига тушиб қоладилар. Умуман, хиёбон ва дам олиш учун ажратилган жойларга чиқиб бемалол юришнинг иложи бўлмай қолди.

Бундай ҳолатлар қаерларда кўпроқ юз бермоқда? Бошқа жойларни билмадигу, биз яшаб турган Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманига қарашли 23-мавзеда ҳар куни шу аҳвол. Ҳатто қош қорайгач ҳам бу «пақ-пақ»лар овози тинмайди. Отишмалар аҳоли истиқомат қиладиган уйларнинг шундоқ ёнгинасида, балконлардан янграйди. Биламиз, буларни ўйинқароқ болалар, мактаб ўқувчилари содир этишмоқда. Афтидан катталар ҳам эндиликда ўз эркатойларига жўр бўлишаётганга ўхшайди. Бўлмаса, фарзандларининг танбини тортиб қўйиш уларнинг қўлидан келмайдими?

Ушбу мавзега ўз номи билан «Тинчлик» деб ном берилган. Бу ерда фақат кўп қаватли уйлар жойлашган. Маҳалладаги асаббузар ишларни милиция ходимлари ҳам худди эшитмагандай хотиржам юришибди, парвойиларига ҳам келтиришмайди. Шу ўринда бир гапни айтиб ўтайлик. Илгари ҳам бир нави эди. Чунки милици хушгаги ҳар бир маҳаллада, мавзе ва кўчаларда, хуллас қаердаки одамлар нотинчлиги сезилган жойда жаранглаб эшитилиб турарди. Бундан ҳар қандай безори ва безорилик ҳам, ўғри, талончи ва эгри қадам босувчилар ҳам бироз бўлса-да хушер тортишарди. Ҳозир эса хуштак нари турсин, ҳатто милициянинг ўзи ҳам кўринмайди, у ёки бу жойда бирорта жиддийроқ жиноят содир этилганда пайдо бўлади. Майдалари билан эса ишлари йўқ.

Бизни ҳайратда қолдирган томони шундаки, хўш бу қулоқни қоматга келтирувчи портловчи «ўйинчоқ»лар қаерда ишлаб чиқарилмоқда? Биздами ёки хориждами? Наҳотки, пул-бойлиқ изидан қувиб улар билан савдо қилаётган корчалонларни жиловлаб қўйишнинг иложи бўлмаса?!

Рафиқ ИБРОҲИМОВ, Эшонқул ҲАЙДАРОВ, нафақахўрлар. Тошкент шаҳри.

БОЛАЖОНЛАР ҚОРБОБОЖОН, ҚОРБОБО...

БОҚ, СОҚОЛИ ХУДДИ ҚОР ЁХУД ОППОҚ ПАР... БОБО,

БАРЧАМИЗГА ҚАДРДОН, ТАНИШ ЧЕҲРА — ҚОРБОБО.

ҚОП ТЎЛА СОВҒА-САЛОМ... ЧОРЛАЙДИ: «КЕЛИБ ҚОЛИНГ!» —

ҚОРҚИЗ ДЕР: «ЮРТИМИЗДА БОЛАЖОНЛАР — ҲАР БОБО!!!».

Жума ўгитлари

МИЛЛАТ ҲАҚИ

● Бир кун Халифа Восиқ вазири Аҳмад бин Абу Довудга: «Нега ўз дўстларинг бўлмиш мўътазилий олимларини қози ва ҳокимликка тайин этмассен?» — деб сўрабди.

— Эй мўминларнинг амири, — дебди вазир, — улар бундай ишларни қабул қилмаслар. Масалан, Жаъфар ибн Мубашширга ўнг минг динор жўнатдим. Қабул этмади. Зиёрат учун изн истадим. Кўнмади. Рухсатсиз ҳузурига бордим. Юз кўрсатмади. Ҳокимликни қандай қабул эттирурмен?

Ҳолбуки, ўша пайтларда Жаъфар Мубашшир кўп муҳтож ҳолатда кун кечирган. Ва бир дўсти икки дирҳам берганда уни миннатдорлик ила қабул этмиш. Бунинг сабаби ҳақида сўрашганда демиш:

— Вазир юборган ўн минг дирҳам миллатнинг пули эди. Бу икки дирҳамда миллатнинг ҳақи йўқдир. Шунинг учун уни олдим...

* * *

ОРТИБ ҚОЛДИ

● Нақлдурким, Ҳазрати Эшон Хожа Аҳмад Махдуми Аъзам Буҳорога ташриф буюрғон эрмишлар. Чун ҳайит намозини адо этиб, Хожа Жўйбор уйларига қараб йўл олмишлар.

Ҳазратнинг ёнларида икки мингдан зиёд асҳоблар ҳамроҳ эдилар. Хожа бу ҳолни кўриб андиша қилди: «Пиширилган ош миқдори ниҳоятда камку, нечун бу қавмга етказай?». Бу андиша Махдуми Аъзамга шу дақиқадаёқ огоҳ бўлди. Ҳазрат лутф назари бирла Хожа томон боқиб: «Сиз ошнинг камлигидан мулоҳаза қилмангким, ул ҳаммага етур». Иншооллоҳ, шундай кўб ош сузилдиким, ҳаммага етди ва ортиб қолди.

МУНАЖЖИМЛАР ТАҚВИМИ

(28 декабрь — 3 январь)

● КЎЙ — Узоқ сафарларга чиқмаганингиз маъқул. Янги йилнинг дастлабки кунларида янги дўстларингиз ва ҳамфикрларингиз кўнглингизга соғлом оптимизм ва умид бахш этгайлар.

Янги йил, яъни Қуён йили кирар кечасида ранглардан оч-сариқ ёки ўзингиз ўрганган рангдан кийим кийинг.

● БУЗОҚ — Оддий ташвишларни унутиб, интилаётган мансабингиз, келажакдаги режалар ҳақида бош қотиринг. Севикли маҳбубангиз, ёру-биродарлар, ота-онангизга диққат-эътиборингизни бахш этинг.

Кийимлар рангига келсак, оч-сариқдан то олтин ранг, жигарранг рангларни танласангиз бўлади.

● ЭГИЗАКЛАР — Ҳафта сиз учун тасодифларга бой бўлади. Истиқболли ишнинг раҳбари бўлишни таклиф қилишса, бош тортманг. Ишқий саргузаштлар учун бу вақт мутлақо тўғри келмайди.

Янги йил кечаси кийимларингиз оқ ёки кулранг, бир-бирига тафовутли рангларда бўлса, ажаб эмаски, қуён йили ўз марҳаматини сиздан аямаса.

● ҚИСҚИЧБАКА — Ушбу давр жуда саросималарга бой бўлиши мумкин. Ўзингизга жуда ҳам бино қўявермай, ҳаётингиздаги энг асосий нарсаларни майда-чуйдалардан ажрата билинг.

Байрамни энг яқинларингиз билан кутганингиз фойдадан ҳоли эмас. Янги йил кечасидаги сизга омад келтирувчи ранглар эса-оқ, оч сариқ.

● АРСЛОН — Байрам дастурхони устида энг яхши ниятларингизни тиланг, янги йилда кўпроқ меҳнат қилишга куч тўпланг. Ўз мавқеингизни хизмат жойингизда ва севикли одамларингиз олдида тиклаб оласиз.

Бироқ шуни унутмангки, ҳаддан ташқари бирсўзлигингиз ишда халал бериши мумкин. Буржингизга мос сариқ, тилларанг, оч-сариқ ёки ранглар жилосини танлаб олинг.

● ПАРИЗОД — Ҳафтанинг дастлабки кунларида ечилмаган муаммолар сизга тўсқинлик қилиши мумкин. Янги 1999 йилда сиз қандай бўлишни хоҳишингизга қараб, тасаввур қилсангиз, шундай бўлиши мумкин. Орзу-истакларингиз рўёбга чиқиши турган гап. Таъсир доирангиз кенгаяди. Сизбоп ранглар — оч-сариқ, сариқ ва олтин тусли жигарранг жилолардир.

● ТАРОЗУ — Ҳаётнинг ўзи ким билан янги йил кутишингизни кўрсатиб беради. Бу хусусда эски йилнинг сўнггида кутилмаган ҳолда бир битимга келасиз. Келажак сизга кўпгина янгиликлар гулдастасини тайёрламоқда.

Янги йил кирар кечасида ранглардан феруза ва барча мумтоз ранглар, атайлаб танланган йўналиш бичимидаги кийимлар сизга асқотади.

● ЧАЁН — Сизни ҳафтанинг биринчи ярмида моддий, уй-хўжалик, маиший масалаларнинг муваффақиятли ечими кутмоқда. Йилнинг боши вақтинча оилангизда ва ҳамкорларингиз аро тушунмовчиликлар, гина-кудуратлар олиб келса ҳафа бўлманг ва барча жиддий ишларни январь ойининг иккинчи ўн кунлигига қолдиринг.

Рангларни эса ўз ҳиссиётларингиз, хоҳишингизга ишонган равишда танласангиз, омад ёр бўлгай.

● ЎҚОТАР — Деярли ҳар қадамда сизни омад кутмоқда десак, муболаға бўлмас. Дўстона узвийликнинг қадрига етинг, бу сизга асқотади. Янги йилни хоҳишингизга қараб ё уйингизда ёки дўстлар даврасида бемалол ўтказишингиз мумкин. Янги йил кечасида сизга моси — кулранг, темир (пўлат рангли) ёки олис юлдузлар шўъласига монанд ранглардир.

● ТОҒ ЭЧКИСИ — Чет элга сафар қилишингиз эҳтимоли ортади. Сизнинг мавқеингиз ён-веринингиздагилар томонидан юксак баҳоланади.

Январнинг яримигача низолар, янги иш бошлаш, мижозлар билан баҳслардан йироқ бўлишга интилинг. Янги йил кечасида сизга олтин, кумуш-кулранг, оқ, оч-сариқ, тафовутли ранглар асқотади.

● ҚОВҒА — Янги йилда шўх гурунгларда иштирок этсангиз сизга қувонч бахш этади. Янги йил кечасидаги сиз учун омадли ранглар кулранг, кумуш, нозик ранглар, оч бинафшаранг ва оқ ранглар чатишуви, оч-сариқ ранглардир.

● БАЛИҚ — Ҳомийларингиз ёрдамида мақсадларингизга эришасиз. Хорижий давлатларга олди-сотди билан борувчи «балиқ»ларни эса истиқболли ёркин битимлар кутмоқда. Янги йил рангини сизга коинот ёки ўз қалбингиз танлаб беради.

* * * *

Жиноят ва жазо

МАНҚУРТЛАР

ёки Гулистондаги «Гиндрува» Литва-Ўзбекистон Республикалари қўшма корхонасидаги талон-тарожлар хусусида

Фалакнинг гардишини кўрингки, қинғир ишлари учун судланиб қаттиқ жазоларга мубтало бўлган, бироқ ундан тегишли хулоса чиқариб олмаган Олимжон Абдуғаниев, Холмўмин Абдумўминов, шунингдек, бировнинг ҳаққидан кўрқмайдиган Зинаида Эргашева, Юнусали Абдураҳимов ва Лопас Ботирбековларнинг бошларига бахт қуши қўнгандек бўлди. Улар Литва — Ўзбекистон Республикалари билан ҳамкорликда тузилган Гулистондаги «Гиндрува» ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти филиалининг, ўз тиллари билан айтганда, «энг ёғлиқ» лавозимларига жойлашиб олишди. Бироқ бу чучварани хом санаган осийлар корхонани ривожлантиришни эмас, аксинча унинг мулкини балойи нафсларини қондириш учун совуришни режалаштиришди. Бунинг учун эса жамиятда аниқ имкониятлар бор эди. Негаки бу юлғичлар энг асосий мансаб курсиларини ўзлари ўзаро қуйидагича тақсимлаб олишганди:

Олимжон Абдуғаниев — қўшма корхона директори, Лопас Ботирбеков — бош ҳисобчиси, Холмўмин Абдумўминов омбор мудири, Юнусали Абдураҳмонов — таъминотчи, омбор мудири ва хазиначи, Зинаида Эргашева — моддий товар бойликлари ҳисобчиси ва хазиначиси! Шундай бўлгач, қўл остиларида ишловчилардан қай бири уларнинг мушукларини «пишт» дея оларди?!.

Хуллас, бешовлон жамиятда ўзлари хон, қўланкаси майдон эди. Шунинг учун ҳам ҳеч нарсадан чўчимай жамиятдаги моддий бойликларни бир бошдан «соққа»га айлантириб, ҳамёнларига жойлашаверишди.

Абдуғаниев бошлиқ бу жиноий гуруҳ дастлаб «проба» учун Вильнюс ва «Днепрошина» заводларидан ҳиссадорлик жамиятига келиб тушган 4326 дона ҳар хил маркадаги автоулов ва қишлоқ хўжалиги машиналари автошиналаридан 300 донасини турли шахсларга сотиб юбориб, ундан тушган 449.800 сўмни ўзаро келишган ҳолда тақсимлаб олишди. Қарашса, ошиқлари олчи! Ишлар беш! Астагина «соққа»га айлантирилган шиналарни махсус қабул қилиш далолатномаси билан «жамиятга қабул қилинди» деб расмийлаштириб қўйишди. Шу билан мазкур жиноий иш «ўрага сичқон тушди гулдур гуп» тарзида ҳуфёна якун топди.

— Демак, — деб яна текин ўлжага хомтама бўлишди талончилар, — ўмарса бўлаверар экан. Энди буёғига қадамни каттароқ ташлайверсак ҳам бўлаверади! Уюшган гуруҳ аъзоларининг бу хато хулосалари уларни янада катта жиноятларга қўл уришларига сабаб бўлди.

Улар Тошкент шаҳридаги «Вис-Корд» фирмасига ўзаро тузилган шартномага кўра 27-сонли ишонч қоғозига асосан 18-сонли юк хати билан юк автомашинасининг 50 дона, 27 сонли ишонч қоғозига асосан 19-сонли юк хати билан қишлоқ хўжалик тракторининг 9 дона ва 20-сонли юк хати билан яна 9 дона автошиналарини (жами 166980 сўмлик) сотиб, пулининг бир қисмини жамиятга кирим қилишди-да қолган қисминит ўзаро тақсимлаб, ҳамёнга уришди. Кейинроқ яна шу фирмага бир қанча «КамАЗ» автошиналарининг ҳужжатларни қалбакилаштириш йўли билан ёлғондакам ошириб, 119620 сўмни талон-тарож қилишди.

Жиноий гуруҳнинг навбатдаги ўмарувчилик операцияси Тошкент вилоятидаги «Ўзсувбутлаш» корхонасидан пул тўлов топшириғи билан ҳиссадорлик жамиятига келиб тушган 3.000.000 сўм ҳисобидан бўлди. Юлғичлар корхона вакили М.Ҳасанов номига берилган 680-сонли ишонч қоғозига асосан 96-сонли юк хати билан шу корхонага берилган 1300000 сўмлик қишлоқ хўжалиги машиналари шиналарини, 681 сонли ишонч қоғозига асосан 97-юк хати билан шу корхонага берилган 1700000 сўмлик товарлар учун ёзилган юк хатларига яна 2990500 сўмлик автошиналарни ноқонуний равишда қайта расмийлаштириб, унга яна 1196200 сўмлик қишлоқ хўжалик машиналари автошиналарини ҳам қўшиб ёзиб, омбордан чиқим қилишди-да, бу товарларни сотиб, 1195200 сўм пулга айлантириб, ўзаро бўлиб олишди.

Уюшган жиноий гуруҳ аъзоларининг нафслари кундан кунга ҳакалак отаверди. Яна навбатдаги қинғир йўлни ўйлаб топишди. Вобкент туманидаги «Бехрўз» хусусий корхонаси бошлиғи Х.Турсунов номига «муқаддам унинг томонидан олинган товарлар учун берилган ишонч қоғозларию юк хатларига асосан берилган» деб қалбаки ҳужжатлар тўлдириб, жамият омборидан жами 2768169 сўмлик товарларни чиқим қилиб, олиб кетишди ва сотиб пулини шахсий манфаатлари учун тап тортмай ишлатиб юборишди.

Талон-тарож ишлари шу ерга келгач Олимжон гуруҳдошларини йиғиб деди:

— Бир хил йўл билан ишлайвериш жонга тегди, азизларим. Энди бу ёғига услубни ўзгартириш керак!

— Хўш, хўжайин нима қил дейсиз?

— Бартер қилиш лозим?

— Нимани?

— Нимани бўларди, галварс, шиналарни-да! Пул санашни уддалаган қўллар, уни кўпайтиришни ҳам билиши шарт! Жойларга чиқ. Суриштир. Шина ҳаводек керагу, лекин пули йўқ одамларни топда, бозорбоп нимаси бўлса ўшанга шина алмашамиз дегин.

— Хўп бўлади, хўжайин. Биз бунақа ишларни бир зумда қотириб ташлаймиз!

Дарҳақиқат, орадан кўп ўтмай Иштихон туманидаги «Мовий» фирмаси директори И.Валиев билан «Гиндрува» ўртасида шинага кишмиш ва картон қути «бартер» қилиш ҳақида шартнома тузилди-да, турли маркадаги қишлоқ хўжалик машиналарини кўзда тутилган маҳсулотларга алмашилди. Кейин эса қабул қилинган ҳар бир килоси 89 сўм 90 тийинлик 16000 килограмм кишмиш ва ҳар бир донаси 40 сўмлик 1334 дона картон қутини келгусида ўз жиғилдонларига ўзлаштириш мақсадида анчагина миқдорда камайтириб ҳужжатлаштириб, ораликдаги фарқ — 359600 сўмлик кишмиш ва 13360 сўмлик қутиларни ўз манфаатлари учун «тежаб» қолишди.

Мазкур бартер операцияси поёнига етгач бундоқ ҳисобкитоб қилиб кўришса ишлар зўр бўладиганга ўхшаб қолди. Бу ҳол уларни «бартер»ни янада авж олдириш сари руҳлантириб юборди. Жиноятчилар бу гал Гулистондаги «Азиз» фирмаси билан «Дамас» машинасига пиёз бартер қилишди. Кейин эса йиғилган 21.249 килограмм пиёз, 12000 килограмм кишмиш ва 1000 дона картон қутиларга жойлаб олишди-да, Белоруссия фуқароси С.Егиянь билан тузилган шартномага кўра уни Минск шаҳрига жўнатишни «режалаштиришди». Бироқ шунча маҳсулотларни мазкур шартномага кўра мамлакатимиз ҳудудидан «эсон-омон» чиқариб олишгач, уни Қозон шаҳрига суриб юборишди. У ерда «Дамир» фирмаси билан шартнома тузиб, барча маҳсулотни унга сотишди. Аммо пулини «Гиндрува»га кирим қилмай, ўзлари ўртада ўзаро тақсимлаб қўя қолишди.

Бундан ташқари Гулистон шаҳар миллий банкидан 458631 ва 458633 номерли чек варақалари билан олинган жами 400000 сўм пулдан 9 ва 2 номерли тўлов ведомостлари орқали А.Собиров номидан 20243 сўм, Г.Чаплинас номидан 49653 сўм, А.Абдуғаниев номига ёзилган 49653 сўм, Э.Эргашева номига ёзилган 38343 сўм, Х.Абдумўминов номига ёзилган 15723 сўм, А.Собиров номига (2-бор) ёзилган 26963 сўм, А.Мўминов номига ёзилган 26983 сўм, Ю.Абдураҳимов номига ёзилган 10386 сўм ва О.Мўминов номига ёзилган 10386 сўм, жами 248353 сўмни олиб, уни ҳам ғайриқонуний равишда шахсий мақсадлари йўлида ўзлаштириб юбордилар.

Бироқ улар бу билан ҳам чекланишмади. Ҳаромхўрларнинг ўпқон нафслари қанча кўп пул бўлса шунча кўп ютиб юбораверди. Очопатлар нақд пул ишлашнинг иложини қилишолмаса турли буюмларни очиқдан очиқ ўмаришдан ҳам тап тортишмади. Мисол учун «Жиҳоз» республика ҳиссадорлик жамияти директори билан келишиб «Гиндрува»га халқ истеъмоли моллари етказиб беришлари эвазига олдиндан пул ўтказиб бериш ҳақидаги шартномаларини олайлик. Шу шартномага мувофиқ «Гиндрува» ҳисоб рақамидан инвентар ва ускуналар учун деб 141000 сўм ўтказиб, унга улардан 20055-сонли юк хати билан ҳар бир донаси 126.000 сўм «Иманта» мебель жиҳозини ва умумий баҳоси 141000 сўм бўлган столларни олиб, жамиятга кирим қилмай ўмардилар. Орадан бироз вақт ўтгач эса уни сохтакорлик билан жамият ҳисобига кирим қилиб, содир этган жиноятларини яширдилар.

Бироқ бу усул ҳам уларни қониқтирмади. Баднафслар олдиндан ўзаро тил бириктириб ўзларига ишониб топширилган давлатнинг жуда кўп миқдордаги мулкини худди ота-боболаридан қолган меросдек бемалол талон-тарож қилиб юборавердилар. Кейин эса бу ғиғирликларини яшириш мақсадида республикамиз ҳудудида фаолияти тўхтатилган фирмаларнинг муҳри босилган тоза шартнома, ишонч қоғозларини ғайриқонуний йўллар билан қўлга киритиб, уларни қалбаки ёзувлар билан ўз муддаоларига мослаб расмийлаштирдилар. Жумладан улар Тошкент шаҳридаги «Жума» фирмаси номидан сохта шартнома имзолаб, унга мувофиқ 23 ва 78-сонли қалбаки ишонч далолатномалари асосида 68-сонли юк хати билан етти турдаги 403 дона (1700000 сўмлик) ҳар хил маркадаги автомобиль ва қишлоқ хўжалиги машиналари автошиналарини, 88-сонли юк хати билан 5 турдаги 96 дона (809897 сўмлик) автошиналарни гўёки «Жума» фирмасига чиқим қилинди деган мазмундаги ҳисобот ва расмий ҳужжатларни тайёрладилар. Амалда эса шунча шинанинг барчасини сотиб, унинг бир қисминигина жамиятга кирим қилдилар. Қолган 659897 сўмини эса ўзлари талон-тарож қилдилар.

Худди шунингдек, бу қинғир қўллар ўз жиноятларини давом эттириб, Тошкент шаҳридаги «Идрико-экспресс» фирмаси номидан ҳам сохта шартномаларни тўлдириб, унинг асосида 32, 34 ва 101-сонли ишонч қоғозлари билан бир марта 616824 сўмлик, иккинчи марта 1600000 сўмлик, учинчи марта 194120 сўмлик, тўртинчи марта 3982 сўмлик, жами 2414926 сўмлик автошиналарни мазкур фирмага «чиқим» қилиб, ундан 864926 сўмини ўпқонга айланган жиғилдонларидан ўтказиб юбордилар.

Бу уюшган гуруҳ аъзоларининг ҳамёнлари қанча қаппайса шунча дадиллашиб бораверди. Улар Янгиер шаҳридаги «Голодностепнстрой» бирлашмасига қарашли 38-механизациялашган кўчма колоннага 1289795 сўмлик автошиналарни «чиқим» қилиб, эвазига олинган жами 200.000 сўмни жамият ғазнасига кирим қилмай ўз шахсий манфаатларига ишлатиб юборавердилар. Шунингдек, улар мазкур тахлитда Янгиер шаҳридаги сув қурилиш бошқармасига қарашли 2-механизациялашган кўчма колоннасига берилган шиналар эвазига тушган 500000 сўмни ҳам паққос ўз нафсларига урдилар.

Талончилар талончиликни бора-бора шу қадар ривожлантириб юборишдики аста кўяверасиз. Назорат йўқлигидан на қонунни, на тартибни менсимай «Гиндрува»нинг мулкларини ва пул маблағларини турли-туман қаланғи-қасанғи хусусий фирма, кичик корхона ва ташкилоту корхоналарга чиқим қилиб юборавердилар. Аммо уларнинг бу товар бойликлари ва маблағларни қайтара олиш қобилиятларини сўраб-суриштиришни ўзларига эп кўрмадилар. Ҳароми пул қутуртириб, ҳадларидан ошган бу «бойвачча»лар Янгиер шаҳридаги «Юнус» фирмасига жами 485300 сўмлик, Гулистон шаҳридаги 2535 сонли автокорхонага 110916 сўмлик, «Гера» хусусий фирмасига 1.425000 сўмлик, «Ойдиной» хусусий фирмасига 3000000 сўмлик, «Қибрай» хусусий корхонасига 100000 сўмлик, 1-сонли экспедиция ташкилотига 25000 сўмлик, Боёвут туманидаги «Таъминот» хусусий корхонасига 961068 сўмлик, У.Юсупов ширкатлар уюшмасига 382580 сўмлик, Жиззах шаҳридаги «Автомобилчи» кичик корхонасига 1200000 сўмлик, «Равон ВИ» фирмасига 250000 сўмлик, Сайхунобод туманидаги «Рустам К» хусусий фирмасига 48622 сўмлик, Андижон шаҳридаги «Бунёд» кичик корхонасига 1276000 сўмлик, Фарғона шаҳридаги «Нодирбек» фирмасига 224352 сўмлик, Самарқанд шаҳридаги «Хисрав М» фирмасига 42200 сўмлик, «Шурўзак» ширкатлар уюшмасига 31732 сўмлик «Гиндрува» мулкларини ўтказиб бериб, уни қайтариб ололмай елга совурдилар.

Бу ва бошқа шунга ўхшаш қинғир усуллар билан Олимжон Абдуғаниев бошлиқ Х.Ботирбеков, Х.Абдумўминов, З.Эргашева ва Ю.Абдураҳимовлардан иборат уюшган жиноий гуруҳ аъзолари «Гиндрува» Латвия-Ўзбекистон Республикалари ўртасида тузилган ёпиқ турдаги қўшма ҳиссадорлик жамиятининг жами 23575077 сўмлик мулкини мансаб ваколатларини суиистеъмол қилган ҳолда ўз шахсий манфаатларини кўзлаб ўзлаштириб ва камомад йўллари билан талон-тарож қилдилар.

Бироқ ҳар бир нарсанинг ҳам чеки-чегараси бўлганидек, мазкур жиноий гуруҳ аъзоларининг бу хилдаги талон-тарож қилишлари ҳам поёнига етди. Жиноятчилар қанчалик уюшиб, ҳаракат қилсалар ҳам барибир тумшуқларидан илинишди. Оқибатда улар ҳибсга олиниб, жирканч қилмишлари бир бошдан очиб ташланаверди.

Яқинда тергов ишлари ниҳоясига етди. Суднинг қора кўрсисига келиб ўтирган бу «ишбилармонлар»нинг барча жиноий ишларини одил суд адолат тарозусида ўлчаб, ҳар бирларига тегишли жазоларни эълон қилди.

Гуруҳ бошлиғи Олимжон Абдуғаниев 17 йилга, Л.Ботирбеков 14 йилга, Х.Абдумўминов 14 йилу 3 ойга, З.Эргашева 11 йилга, Ю.Абдураҳимов 3 йилга озодликдан маҳрум этилди. Жиноятчиларнинг ҳаммалари ҳам бу жазоларни қаттиқ тартибли колонияларда ўтайдиган бўлишди. Шугина эмас, уларнинг мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилинди ва бу айбдорлардан давлатга келтирилган зарарлари ҳам ундириб олинади.

Энди дўппини бошдан олиб қўйиб ўйлаб кўрайлик. Хўш, бу очофатлар нега шунчалик оғир жиноятларга қўл уришди? Гап шундаки, улар фақат ўпқон нафсларини ўйловчи манқуртлар эди. Барчасининг фикриёди ўзгалар мулкини ўмариш ва шу ҳисобдан қорин тўйғазишу бойлик жамғариш. Бўлак муддаолари йўқ. Эл тақдири, юрт тақдири билан ишлари йўқ. Агар шундай бўлмаганида эди, яхши ниятда республикамиз халқ хўжалигини ривожлантириш, бинобарин, юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлашдек буюк ва олийжаноб ишга камтарона улуш қўшиш учун очилган ҳиссадорлик жамиятининг мулк ва маблағларини шу қадар талон-тарож қилишмасди.

Ватан манфаатларидан ўз манфаатларини устун кўювчи бу ғаламисларга одил суд томонидан берилган жазоларни маъқуллаб, ҳеч кимни буларга ўхшаб қолайтон йўлдан оздирмасин, дейимиз. Зеро, Ватанни севмоқ иймондандир, дейдилар. Бас шундай экан, азизлар, келинглар Ватан ва халқ мулкига кўз олайтираётганларнинг таъзирини бериб, бу сергуноҳ йўлдан қайтарайлик. Ҳаммамиз бир қадам бош чиқариб келаётган буюк давлатимизни қадрлайлик, унинг мулк бойликларини кўз қорачиғидек асрайлик, кундан кунга кўпайишига муносиб ҳиссамизни қўшайлик.

Бўритош САЙФУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ташқи иқтисодий фаолиятда коррупция, талон-тарож ва бошқа суиистеъмолчиликларга қарши кураш бошқармаси бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси. Мурод ҚАЛОНХОН, «Адолат» мухбири.

Адолат

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши ва «Адолат» газетаси ижодий жамоаси.

ХОМИЙ: Ўзбекистон Республикаси «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик жамияти.

Бош муҳаррир: Тўхтамурод ТОШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Турғунпўлат ДАМИНОВ, Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ, Улуғбек ДОНИЁРОВ, Анвар ЖЎРАБОЕВ, Акмал ҚОСИМОВ, Тўхтамурод ЖЎРАЕВ, Рустам АҲМАДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Акбархўжа РАҲИМОВ, Равшан ҲАЙДАРОВ, Рустам ҚОСИМОВ.

Мулоқот учун телефонлар: Қабулхона — 133-41-89. Котибият — 136-55-64. Эълонлар бўлими: 136-55-96.

Навбатчи — Ҳикматуллоҳ ҚОДИРОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 140. Буюртма Г—0629, ҳажми—2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Газета IBM компьютерида терилди.

• Мақолада келтирилган факт ва рақамлар учун фақат муаллифлар жавоб берадилар.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди 20.00.

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси-32.